



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 141 (9.944)

2003 ЙИЛ 21 ИЮЛЬ

2003 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ ҲАМДА ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА БУ СОҲАЛАРДА ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА



ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

18 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш яқунлари ҳамда ушбу соҳаларда ислохотларнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига бағишланган мажлиси бўлди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда жорий йилнинг биринчи ярмида барқарор иқтисодий ривожланиш давом этгани, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамлангани, тўлов интизоми ошгани, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳалари мутаносиблиги кучайгани ҳақида гапирди. Босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар натижаси ўларок, барча соҳаларда муайян ютуқларга эришилди.

Олти ой ичида мамлакатимизда ялли ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 103,8 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 105,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 103,8 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 104,0 фоиз ва пулли хизматлар ҳажми 104,4 фоиз ўсди.

Ушбу рақамлар иқтисодиётимиздаги ижобий ўзгаришларнинг ўзига хос кўзгуси сифатида юртимизда бозор муносабатларини шакллантириш жараёнлари жадал ва самарали давом этаётганини кўрсатиб турибди.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос муҳим жиҳатларидан ҳисобланувчи хусусийлаштириш, хусусий мулкчиликни шакллантиришнинг аҳамияти катта. Ҳисобот даврида 698 корхона ва объект давлат таъсирфуқидан чиқарилиб, хусусийлаштиришдан тушган жами маблағ 22,5 миллиард сўмни ташкил қилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси

Хурматли мажлис қатнашчилари!
Бугунги йиғилишимиз кун тартибига қўйилган асосий масала — бу 2003 йилнинг биринчи ярми яқунларининг муҳокамаси.

Сизларга яхши маълумки, биз шу йил бошида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, 2003 йил ва кейинги йилларда иқтисодиётимизни янада эркинлаштириш ҳамда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган устувор йўналишларнинг аниқ дастурини белгиллаб олган эдик.

Бугун ана шу дастур талабларидан келиб чиққан ҳолда, жорий йилда ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларга эришиш йўлида қандай ҳаракат қилаётганимизни танқидий ва принципал нуқтаи назардан баҳолаш кўзда тутилмоқда.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, ўтган вақт мобайнида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳаларида изчил ривожланиш ҳаракатлари давом этди.

Мамлакатимизда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, тўлов интизоми яхшилаш, иқтисодиётимизда мутаносибликни кучайтириш йўлида ижобий натижаларга эришилди.

Биринчи ярим йилликда ялли ички маҳсулот ҳажми 3,8 фоизга ўсди. Иқтисодиётнинг деярли барча соҳа ва тармоқлари жадал ва изчил ривожланди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 5,5 фоизга, истеъмол моллари — 4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — 3,8 фоизга, инвестициялар ҳажми эса 2,6 фоизга кўпайди. Аҳоли бандлиги ўсиш суръатларининг барқарорлиги сақлаб қолинди — бу кўрсаткич 102,8 фоизни ташкил этди.

Буларнинг барчаси ва биринчи навбатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, ялли ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 фоиз, реал даромадлари эса 8 фоизга кўпайтириш имкони пайдо бўлди.

Биз йил бошида мамлакатимизда бюджет соҳасида изчил ва қаттиқ кредит-молия сиёсатини ўтказиш, шу тартибга қатъий амал қилиш орқали бюджет даромадлар ва харажатлар қисмининг жорий йил учун тасдиқланган кўрсаткичларини бажариш, шунингдек, бюджет камомadini қоплашга қаратилган инфляция манбаларга барҳам беришга қарор қилган эдик.

(Давоми 2-бетда).

XXI аср сақоси

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Тошкент вилояти ҳокимлигида «Гивандлик — XXI аср вабоси» мавзусида минтақавий семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Олий Мажлисининг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси

томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида гивандликнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.
• Тошкентда инвестиция институтлари миллий уюшмаси томонидан «Халқаро ва миллий қимматли қозғол бозорлари» мавзусида семинар ташкил этилди.
• «Юлдуз» акциядорлик жамияти Манғит пахта тозалаш корхонасида

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг 66 фоизи Швейцария, АҚШ, Жанубий Корея, Хитой ва Россия мамлакатларига экспорт қилинмоқда.
• Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетига яна бир янги факультет очилди. Испан филологияси бўйича малакали мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган ушбу факультетга абитуриентлардан кўплаб аризалар тушмоқда.

Жаҳонда

• Ялтада Россия ва Украина мамлакатлари ўртасида ҳарбий-техник соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди.
• Римда Европа Иттифоқининг янги Конституцияси лойиҳасини Италияга топшириш маросими бўлиб ўтди.
• АҚШнинг Кубадаги Гуантанамо ҳарбий базасида сақланаётган 11 нафар Покистон фуқароси ҳибсдан озод этилиб, ватанларига қайтарилди.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз хусусийлаштириш ва хусусий мулкчиликнинг иқтисодийётидаги ролини ошириш бўйича қабул қилинган Фармон ва қарорлар талаблари тўла ва кўнгилдагидек ижро этилмаётганига алоҳида тўғалди.

Ўтган даврда иқтисодийёти ислох қилишнинг энг муҳим йўналишлари бўйича, жумладан, қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир Фармонлар ва уларнинг ижросига қаратилган ҳукумат қарорлари, дастурлар, бошқа муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳаётга кенг жорий этишга йўналтирилган амалий ишлар давом этмоқда. Мажлисда ана шу ҳужжатлар ижроси бўйича мавжуд аҳоли танқиди нўқати назардан тегинди.

Шунингдек, фермер хўжаликларини ривожлантиришни янги поғонага кўтариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун кенг қўламли сугурта хизматлари кўрсатиш тизимини жорий этиш, айниқса, қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфра-тузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш сўст бораётгани оқибатда қурилиш ишларини вақтида бажариш ва объектларни фойдаланишга топшириш қиёқарсиз аҳволда экани жиддий кўрсатиб ўтилди. Танлов савдолари ўтказишда кўнун бузилишлари ҳамон давом этаётгани, қурилиш қўйматининг ошириб борилиши ҳоллари мавжудлиги, лизинг ва лойиҳажинининг хизматлари кўрсатиш тизими талаб даражасида ривожланмаётгани, хусусий қурилиш ташкилотлари раванқига эътибор қаратилмаётгани қайд этилди.

Йиғилишда иқтисодий ва демократик янгилашлар йўлига гов-тўсиқ бўлаётган барча даражадаги бошқарув тизими нўқсонларини бартараф этиш зарурлиги таъкидланди. Мажмурий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодийёти бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, шу жумладан, давлат статистика ва идоравий хисоботи тизимини қайта қўриб чиқиш ва бошқа долзарб вазифалар бўйича тегишли тавсиялар, кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосари, иқтисодийёти вазири Р. Азимов, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири А.Жўраев, давлат мулкчини бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М.Аскарлов, Наманган вилояти ҳокими Т.Жабборов, Сирдарё вилояти ҳокими Р.Хайдаров ва Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожоновнинг ахборотлари тингланди.

Мажлисда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎЗА)

СУРАТЛАРДА: йиғилишдан лавҳалар.

Абдувоҳид Тўраев (ЎЗА) олган суратлар.

2003 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ СОҲАЛАРДА ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Натжида биринчи ярим йилликда давлат бюджетининг бажарилиши таъминланди ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 фоиз профитит билан яқунланди. Корхоналарнинг солиқ юқини энгиллаштириш ва солиқ тизимини унификация қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ҳам биринчи ярим йиллик яқунларига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди.

Маълумки, 2003 йилдан бошлаб фойдадан олинадиган солиқ ставкаси 24 фоиздан 20 фоизга, юридик шахслар учун иш ҳақи фондидан ижтимоий сугурта ажратмалари 37,3 фоиздан 35 фоизга пайсатирилди. Шунингдек, айрим солиқ турлари умуман бекор қилинди.

Бу чора-тадбирлар маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий аҳволини яхшилашга, корхоналарнинг инвестиция соҳасидаги фаоллигини оширишга хизмат қилди. Биринчи ярим йиллик мобайнида корхоналарнинг ўз инвестициялари ҳажми 18 фоизга ортди ва у иқтисодийётига йўналтирилган барча инвестицияларнинг 46 фоизини ташкил этди.

Банк тизимини ислох қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда тижорат банклари фаолиятида ҳам ижобий тенденциялар кўзга ташланмоқда. Олтин-валюта захираларимиз сезиларли даражада ўсди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида тижорат банкларининг жами маблағлари 32 фоизга ортди, кредитларнинг қайтарилиши даражаси яхшиланди. Бу эса, ўз навбатида, ўтган ярим йилликнинг ўзида берилган кредитлар ҳажминини 36 фоиз оширишга имкон туғдирди.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи ҳам ортиб бормоқда. Буни одамларимизнинг депозит ҳисоб-рақамларига қўйган омонатлари 44 фоизга ортгани ҳам кўрсатиб турибди. Банк хизматлари тармоғи сезиларли даражада кенгайди, хусусий ва минибанклар сони кескин равишда ортди. Мана шу ҳисобот даврининг ўзида хусусий банклар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб икки барабар кўпайди.

Агар 2000 йилда мамлакатимиз бўйича ҳаммаси бўлиб 15 та минибанк фаолият қўрсатган бўлса, бугунги кўнда уларнинг сони 530 тадан ошиб кетди. Кичик ва ўрта корхоналар, фермер хўжалиқларининг банк тизими хизматларидан фойдаланиш имкониятлари анча кенгайди.

Қаттиқ пул-кредит сиёсатини ўтказиш ва хўжалиқ юритувчи субъектларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлаш бўйича қўрилаётган чоралар, ички бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган рақобатга бардошли маҳсулотлар билан тўлдириб борасида амалга оширилган аниқ тадбирлар инфляция суръатларини пасайтиришда ижобий роль ўйнамоқда.

Агар 2002 йилнинг биринчи ярмида инфляция суръатлари 14,4 фоизни ташкил этган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 4,2 фоиздан иборат бўлди. Бу эса, табиийки, миллий валюта — сўммимизни хар томонлама бақувват қилишда ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда.

Биринчи ярим йилликда валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, банкларо валюта бозорини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича муҳим натижаларга эришилди.

Валюта сиёсатини эркинлаштириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида амалда миллий валютамизнинг алмашув курслари унификация қилинди, биржадан ташқари ва бошқа валюта бозорларида шакланган курслар ўртасидаги фарқ дярли барҳам топди.

Бугунги кўнда бизнинг олдимизда турган асосий вазифа, сўминг жорий операциялар бўйича конвертациясига эришганимиздан сўнг, унинг алмашув курсини барқарор равишда сақлаб туриш учун барча шарт-шароитларни яратилди иборат.

Бу иқтисодий сиёсатимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлмоғи керак. Бунинг учун эса бизда барча зарур омиллар — маблағ ҳам, имкониятлар ҳам мавжуд.

Июнь ойида Халқаро валюта жамғармаси вакиллари Тошкентда бўлиб, мамлакатимизда валюта режимини эркинлаштириш бўйича қўраётган чора-тадбирларимизга юқори баҳо берди.

Мазкур жамғарма билан ҳамкорликда жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютамиз конвертациясини таъминлашга доир ҳаракат режаси ишлаб чиқилди.

Бу режанинг муваффақиятли амалга оширилиши шу йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистон учун Халқаро валюта жамғармаси Битимининг 8-моддасига тегишли барча стандартларни қабул қилиш имконини беради.

Мамлакатимизнинг ташқи савдо фаолиятида, экспорт ва импорт таркибида ижобий силжишлар рўй бермоқда. Ўтган ярим йил мобайнида ташқи савдо айланмаси қарийб 23 фоизга, шу жумладан, экспорт 41 фоизга ошди.

Айни пайтда, биринчи ярим йилликда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тайёр маҳсулот экспортининг ҳажми 1,6 марта ўсганини, унинг экспорт таркибидаги улуғи 35 фоиздан 41 фоизга кўтарилганини ҳам айтиб ўтишимиз керак.

Ташқи савдода 530 миллион АҚШ доллари микдорда ижобий сальдога эришилди. Мамлакатимизнинг тўлов баланси янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон ўзининг барча ташқи мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китобларни ўз мuddатида амалга оширмоқда.

Иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан ташқи савдо алоқалари кенгайиб, тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан ўзаро муносабатларимиз ҳам тобора кўчаймоқда.

Ўзққ хорижий мамлакатларга маҳсулот экспорт қилиш ялпи экспорт ҳажмининг 77 фоизини, импорт эса 62 фоизни ташкил этмоқда. Бу — мамлакатимиз иқтисодийёти жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашиб, дунё бозорларидаги кескин рақобат шароитида ўз ўрнини эгаллаб, нуфузини мустаҳкамлаб бораётганидан яна бир далиллардир.

Ана шу сиёсатини амалга оширишнинг муҳим йўналиши — бу ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш ва янгилаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, маҳаллий хошашени қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган қўша корхоналар ташкил этиш соҳасига иқтисодийётида таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришдан иборат.

Ярим йил мобайнида иқтисодийётида капитал қўйилмалар ҳажми 2,6 фоизга ўсди ва бу ялпи ички маҳсулотнинг учдан бирини ташкил этади. Жами инвестицияларнинг 60 фоиздан кўпроғи биринчи навбатда ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Инвестициялар таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар содиб бўлди, марказлашмаган манбалар, яъни корхоналар маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳиссаси 56 фоиздан 67 фоизга ўсди.

Ярим йилликда 200 миллион АҚШ долларида кўпроқ хорижий инвестициялар ўрлаштирилди, шундан 65 миллионни тўғридан-тўғри инвестициялар бўлиб, уларнинг микдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 баробарга ортди.

Жорий йилнинг ўтган даврида автомобиль ойналари ишлаб чиқарадиган «Авто-ойна» акциядорлик жамияти, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Олот-текс» қўша корхонаси қувватлари ишга туширилди. «Шўртан» газ-конденсат қонида юқори босим беруучи компрессор станцияси қурилиши тугалланиб, ускуналарни синаш ишлари бошланди.

Шунингдек, кўмир санвати конларини техник қайта ҳимозлаш борасидаги ишларнинг биринчи босқичи яқунланди, «Сино» очик турдаги хиссадорлик жамиятида совутгичлар ишлаб чиқариш қайта йўлга қўйилди, Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида нитрат кислотаси ва аммиакли селитра ишлаб чиқарадиган линия қурилишининг яқуний босқичи тугалланмоқда.

Шу билан бирга, айрим уюшма ва компаниялар локализация, яъни маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг белгиланган прогноз кўрсаткичларидан орта қолмоқда.

Бу кўрсаткичлар «Ўзғўштўсаноат» давлат уюшмасида 21,6 фоиз, «Ўзфармасаноат» давлат концернида 22,4 фоиз, «Ўзпахтасаноат» уюшмасида 23,9 фоиз, «Файз» холдинг компаниясида 40 фоиз, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясида 40,3 фоиз, «Ўзқўммунхизмат» агентлигида 40,5 фоиз ва «Ўзқимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясида 40,9 фоизга бажарилган, холос. Айниқса, ярим йил давомида 33 та лойиҳа бўйича амалий ишларнинг бошланмагани барчамизни қаттиқ ташвишга солиши лозим.

Хурматли дўстлар!

Биз ярим йиллик фаолиятимиз яқунлари ҳақида сўз юритар эканмиз, миришкор ва фидойий деҳқонларимиз, галлаларимизни жорий йилда дон етиштириш ва давлатга сотиш бўйича қўлга қиритган улкан галбалари билан табриқлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати билан шу кўнга қадар 4 миллион 300 минг тоннадан зиёд галла ҳосили ўриб-йиғиб олинди. Сурхондарё вилояти галлаларини мамлакатда биринчи бўлиб давлатга дон сотиш бўйича белгиланган топшириқни бажардилар.

Анджон, Бухоро, Навоий, Фарғона, Хоразм ва Самарқанд вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, бугуннинг ўзида Тошкент ва Наманган меҳнатқашлари ҳам ўз мажбуриятларини муваффақият билан адо этдилар. Қолган вилоятларнинг галлаларини ҳам зиммага олган мажбуриятларини бажариш арасида турибдилар.

Хозирги кўнда пахтачилик билан бир қаторда галлачилик ҳам қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳасига айланиб бораётгани, айниқса, эътиборга сазовор.

Галла етиштириш маданияти такомиллашиб бормоқда, республикамизнинг мураккаб иқлим шароитига мослашган янги, серҳосил бугдўи навларини яратишга қаратилган селекция ишлари яхшиланмоқда, етиштирилаётган доннинг сифати ва истеъмол хусусиятлари ҳам сезиларли даражада ошмоқда.

Энг муҳими — одамларнинг, биринчи навбатда деҳқонларнинг ерга, ўз меҳнатининг натижасига бўлган муносабати тўбдан ўзгармоқда.

Бугун барчамиз қишлоқда ишлаб чиқариш ва мулкчилик муносабатларини ислох қилиш, деҳқон меҳнатини рағбатлантириш нақадар улкан самара беришини галлачилик соҳаси мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Сўнгги беш йил ичида сугориладиган ерларда галла ҳосилдорлиги икки мартадан зиёд ортди ва бугунга келиб хар гектар ҳисобига ўртача 43-45 центнерни ташкил этмоқда. Лекин бу ҳали чегара эмас. Қўллаб хўжалиқлар гектаридан 75-80 центнердан ҳосил кўтаришмоқда.

Бу йил мамлакатимиз бўйича, насиб этса, жами 5 миллион тоннадан зиёд дон етиштирилади. Ўз мўҳият эътиборига кўра бу қадар улкан галлабани бундан атиги 5-6 йил аввал, яъни биз мамлакатимизда галла мустақиллигини таъминлашга қаратилган Миллий дастурни амалга оширишга киришган пайтларимизда факатгина орзу қилиш мумкин эди, холос.

Қиёслаш учун шуни таъкидлашимиз керакки, 1990-1991 йилларда ҳаммаси бўлиб Ўзбекистонимизда 940 минг тонна галла етиштирилган, ўртача ҳосилдорлик эса 17 центнерни ташкил қилган. Яъни, ўтган давр ичида галла ишлаб чиқариш 5,5 карра ўсган.

Бугун мана шу юксак минбардан туриб, барча галлаларимизга, лафзи ҳалол, мард ва танти деҳқонларимизга, барча қишлоқ меҳнатқашларига, хўжалиқ, туман ва вилоят раҳбарларига Ватанимизнинг қудрати, халқимизнинг фаровонлигини ошириш йўлида қилаётган фидокорона меҳнатлари учун чин қалбимдан самимий миннатдорлик ихзор этиш менга чексиз мамнуният бағишлайди.

Юқорида айтилганларга яқун ясар эканмиз, ўтган давр ичида Ўзбекистон демократик ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодийёти барқарор ва изчил ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш йўлида салмоқли қадамлар қўйди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Мухтарам йиғилиш иштирокчилари!

Биз ўзимиз танлаган тараққий йўлининг ва иқтисодийётиимизни ислох қилишининг хар бир босқичида, шиддат билан ўзгариб бораётган замон талабларига жавоб берадиган ва бошланган янгилашни жараёнларининг мантйқий давоми бўлган устувор мақсад ва йўналишларни белгилаб олишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этади.

Бундай дастурларимизни бажаришда, аввало, эришган натижаларимизни танқидий баҳолашимиз, бугун олға томон ҳаракат қилишимизга ҳалақит бераётган долзарб муаммоларни аниқлаб олишимиз ва ишни уларни бартараф этиш асосида ташкил қилишимиз зарур.

(Давоми 3-бетда).

ҲАМДА ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА БУ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1,2-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг биринчи чора-гида қабул қилинган, хусусийлаштириш жараёни ва иқтисодийдаги хусусий секторнинг ролини кучайтириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги ва капитал қурилиш каби муҳим соҳаларда ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қатор фармонлари айнан ана шу масалаларга йўналтирилганини, ўйлаётгани, ҳаммагиз яхши биласиз. Мазкур фармонларнинг асосий мазмуни ва бош йўналиши қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, иқтисодий муносабатларни янада эркинлаштириш ва давлатнинг иқтисодий фаолият соҳасидаги ролини кескин чегаралаш, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлат тузилмаларининг сабабсиз аралашувларини бартараф этиш.

Иккинчидан, хусусийлаштириш жараёни чуқурлаштириш ва тезлаштириш, мамлакатда хусусий сектор, фермер ҳўжаликлари ва тадбиркорлик фаолиятининг кенг ривож топиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган корпоратив бошқарув тизimini тартибга солиш.

Учинчидан, ҳўқуқий механизмларни, шу жумладан, рақобатни ривожлантиришга, ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни шартнома асосида шакллантиришга ёрдам берадиган механизмларни қайтагириш, шартнома тузаётган томонларнинг ҳўқуқлари, ўзаро мажбурият ва масъулиятларини аниқ белгилаб қўйиш.

Шуни яна бир бор таъкидламоқчиманки, бу масалалар ислохотларнинг сифат жиҳатидан янги босқичда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг ҳаммаси эмас, балки бу йўлдаги энг муҳим, энг принципиал вазифалардир. Уларни амалга ошириш учун барчамиз қатъият ва изчиллик билан, белни маҳкам боғлаб ишлашимиз даркор.

Табиики, юқорида зикр этилган фармонлар ва қарорлар ижросининг бориши тўғрисида қандайдир ҳулосалар чиқаришга ҳали эрта. Чўнки уларнинг қабул қилинганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шу билан бирга, бизнинг бир жойда депсиниб туришга ҳам фурсатимиз йўқ эканини ҳаммамиз яхши англаб олишимиз лозим.

Шунинг учун, бугунги имкониятдан фойдаланиб, мен қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши билан боғлиқ, бизни кўп ташвишга солаётган ҳолатлар ҳақидагина тўхталиб ўтмоқчиман.

Ислохотларнинг ҳозирги босқичидаги ўта муҳим масала — хусусийлаштириш жараёни чуқурлаштириш ва ана шу асосда хусусий корхоналарни тузишга кенг шариоф тўғрисида беришдан иборат. Эътибор эътиш керакки, жорий йилда бу жараёнлар анча жадал бормоқда.

Айни пайтда корхоналарни хусусийлаштириш юзасидан қабул қилинган дастурни бажариш бўйича ишлар айрим идора ва вилоятлар томонидан етарли суръатлар билан олиб борилмапти.

Масалан, ярим йил мобайнида «Ўзимсанот» давлат акциядорлик компаниясида бор-йўғи 2 та объект, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясида — 3 та, Матбуот ва ахборот агентлигида — 4 та ва Халқ таълими вазирлигида 8 та объект хусусийлаштирилган, ҳолос. Бу борада, айниқса, Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида сустхаликка йўл қўйилмоқда.

Давлат активлари шаклидаги каттагина ресурсларга эга бўлган айрим вазирилик ва идоралар томонидан акциядорларнинг эркин пакетларини сотиши ишлари ҳам қонқарсиз ахволда.

Буни ярим йил давомида «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ҳамда «Озиковкатсанот» уюшмасидаги мавжуд ресурсларнинг деярли сотилмагани ҳам кўрсатиб турибди.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағ, белгиланган топшириққа нисбатан олганда, ярим йилда амалда қуйидаги кўрсаткичларни ташкил этди:

«Ўзагромушсервис» уюшмаси бўйича — 6 фоиз, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги бўйича — 3 фоиз, Давлат

архитектура ва қурилиш қўмитаси бўйича — 4 фоиз, Самарқанд вилояти бўйича — 30 фоиз, Жиззах вилояти бўйича — 32 фоиз, Наманган вилояти бўйича — 36 фоиз, Сурхондарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича — 38 фоиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, хусусийлаштириш жараёнига, энг аввало, йирик корхоналарни хусусийлаштиришга ҳорижий инвестицияларнинг жалб этиш бўйича ишларнинг бугунги аҳоли бизни мутлақо қониқтирмапти. Бу эътироз биринчи галда «Ўзбекнефтьгаз», «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзимсанот», «Ўзбектелеком» каби бошқа кўпгина акциядорлик компаниялари тизимидаги корхоналарга тегишлидир.

Ханузгача хусусийлаштириш лозим бўлган давлат мулкисини баҳолаш усул-усулблари ишлаб чиқилмаган, узок вақтлардан буён биржа ва биржадан ташқари савдоларда сотилмаётган келаётган корхоналар активларини арзонлаштирилган қийматда сотиш бўйича механизмлар жорий этилмаган.

Яна ва яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман, ҳозирги ҳолатида ҳеч қандай фойда келтирмаслиги аниқ бўлган ва фақат зарар қўриб ишлаётган корхоналарни хусусий шахсларга сотиш ёки бутунлай тугатиш даркор.

Бу бизнинг қатъий сиёсатимиз бўлиши шарт. Ўзингиз бир яхши ўйлаб қўлинг. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масаласи бўйича олиб борилаётган сиёсатимиз ва амали ишларни бошлаганимизга ўн йилдан кўпроқ вақт ўтапти.

Акциялаштириш ва кимгадир сотишга арзийдиган ишлаб чиқариш корхоналарининг тақдир айлалачон ҳал бўлиши керак эди. Табиий савол туғилади — нима учун бугунги кунда ҳеч қандай бермаётган, лекин давлат маблағи ҳисобидан кўн чираётган корхона ва ташкилотлар ҳамон сақланиб қолмоқда?

Ҳўш, бундай ҳолат қимчинг ва қимларнинг манфаатига жавоб беради? Ҳеч шўбҳасиз, ҳар қандай мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топиши зарур. Эгаси топилмаса — уни умуман тугатиш даркор.

Жойларда корпоратив бошқарув усулларини мустаҳкамлаш бўйича ишлар айлалачон бошланганига қарамай, шуни тан олиш керакки, кўпчинча бу ишлар номигагина бўлиб, қўтилган натижани бермапти. Қузатув кенгашлари аъзоларининг директорлар корпусига тобе бўлиб қолиш ҳолатлари ҳали-бери барҳам тонгани йўқ.

Ана шундай ҳолатлар «Ўзимсанот» компанияси таркибидagi «Аммофос», «Ўзмашсанот» уюшмасига қарашли «Подъёмник», «Ўзбектажмахсукурилиш» уюшмасининг «Ўзмахсусавтоматика» ва «Портлатишсанот» корхоналари, «Ўзқурилишматериаллари» компанияси таркибидagi «Тошкент тажриба-механика заводи», «Ўзбексавдо» компаниясининг «Турон» ва бошқа кўпгина акциядорлик жамиятларида кўзга ташланмоқда.

Акциядорлик компаниялари ижро органларининг кўпгина раҳбарлари фаолиятини баҳолашда ҳали-бери талабчанлик ва қатъият етишмапти. Ўзингиз ўйланг, 2002 йилда олинган фойда микдорининг сезиларли даражада пасайишига йўл қўйган 379 та акциядорлик жамиятларидан 345 таси ёки 91 фоизиди ижро органлари раҳбарларининг ўз мансаб лавозимида қолганини қандай баҳолаш мумкин? Боз устига, ўтган йилни зарар билан якунлаган 28 та акциядорлик жамиятидан 26 тасида ижрочи директорлар келгуси йилга яна қайта сайланганига нима деса бўлади?

Бу фактлар мисолида биринчи галда Давлат мулкисини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари томонидан йўл қўйилган хато-камчиликлар, зафилик ва принципсизлик ҳолатлари аққол қўришиб турибди. Айтиш керакки, Давлат мулки қўмитаси вазифаларини ҳали-ҳамон тўлиқ уддалай олмапти.

Яқинда ўтказилган аттестация шуни кўрсатдики, қўмитанинг марказий аппарати ва унинг ҳудудий органларини профессионал жиҳатдан пухта тайёрланган кадрлар билан мустаҳкамлаш борасидаги ишлар қонқарсиз ахволда. Бу соҳада ишлаётган ходимлар ора-

сида Давлат мулкисини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ тасаввур эга олмайдиган тасодифий кишиларнинг кўплигига нима дейиш мумкин?

Бу ўринда шуни айтиш лозимки, ҳозирги вақтда Давлат мулки қўмитаси тузилмалари ва унинг жойлардаги органлари фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш, уларни малакали кадрлар билан мустаҳкамлашга доир ҳуқуқат қарори тайёрланган ва у яқин орада қабул қилинади.

Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган Фармоннинг ижроси бўйича бир қанча муҳим ҳуқуқат қарорлари, биринчи галда, мазкур соҳани бошқариш тузилмасини тақомиллаштириш, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тузилмасини, унинг вилоятлар ва туманлардаги бўлимларини мустаҳкамлашга оид қарорлар қабул қилинди.

Ҳозирги вақтда имкон қадар қисқа муддатда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тизими ва унинг ҳудудий тузилмаларида ўтказилаётган ташкилий тўб ўзгаришларни якунига етказиш, уларни муносиб кадрлар билан таъминлаш вазифаси долзарб бўлиб турибди.

Бу борада жойларда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятига вазирликлар ва турли бошқарув тузилмалари томонидан бўладиган ҳар қандай маъмурий-бўйруқбозлик уришларига ва бошқа хил аралашиларга бутунлай чек қўйиш учун қатъиятлик билан иччил иш олиб бориш даркор.

Биз оддий бир масалани ҳал этиб олишимиз керак, яъни қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши тизимида ҳар ким ўз ишини бажарсин: вазирлик ва унинг тузилмалари ўз иши билан, қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўз иши билан шуғулланиши керак. Ва ҳар ким қонун бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлар учун жавоб бериши лозим.

Ана шундагина тартиб бўлади, ана шундагина қоникорли пировард натижа бўлади. Бу талаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари фаолиятига ҳам бирдек тегишлидир.

Ҳозирги вақтда 2003-2005 йилларда фермер ҳўжаликларини ривожлантириш концепцияси тайёрланди ва биз уни яқин орада қўриб чиқамиз. Бу муҳим масалада қарор қабул қилишдан аввал мамлакатимиздаги ҳар бир ҳўжалик, туман ва вилоятнинг ўзига хос жиҳатлари, уларда юзага келаётган вазиятлари ҳисобга олини, ақл тарозисига солиб қўриш керак.

Айниқса, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиш лозим. Қишлоқ аҳлининг эътиёжларини замон талаблари даражасида таъминлай оладиган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани барпо этмасдан туриб, қишлоқ ҳўжалигида жиддий силжишларга эришишимиз, аҳолининг турмуш даражасини кўтаришимиз қийин кечади.

Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир Фармоннинг ижроси ҳам жиддий ташвиш уйғотади. Ўзингиз ўйланг, ислохотларнинг тўб моҳиятини очиб беришчи қатор муҳим меъёрий ҳужжатлар ханузгача тасдиқ учун қиритилгани йўқ.

Бунинг оқибатида амалда қурилиш ишларини бошлаш ва объектларни ҳар томонлама тайёр ҳолда, «қулф-қалит» қилиб фойдаланишга топшириш жуда суст бормоқда. Ваҳоланки, айнан шу ҳолат қурилиш ташкил этишининг асосий шакли сифатида белгиланган.

Пудратчи қурилиш ташкилотларини, айниқса, зарар қўриб ишлаётган ва рентабеллиги паст корхоналарни хусусийлаштириш, хусусий мулкка айлантириш жараёни ўта қонқарсиз бормоқда.

Бир қатор вилоятларда танлов савдоларини ўтказишда хусусий қурилиш ташкилотларининг иштироки фоят паст даражада қолаётгани ҳам бежиз эмас. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятида танлов савдосида голиб чиққанлар орасида бирорта хусусий ташкилот йўқ. Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида тендер қолиблари орасида қичик ва ўрта бизнес вакиллари атиги 20 фоизини ташкил эта-

ди. Тошкент шаҳрида эса танлов савдосида голиб чиққан 34 ташкилотдан 21 таси давлат корхоналари ва акциядорлик жамиятлари ҳисобланади.

Ўтказилган танлов савдоларининг натижалари ва уларга тегишли ҳужжатларнинг танқидий таҳлили шуни кўрсатдики, деярли барча ҳудудларда танлов ўтказишининг белгиланган тартибларини бузиш ҳолатлари давом этмоқда, танлов савдоларининг ошқоралиги таъминланмапти.

Йилнинг биринчи ярмида Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан белгиланган тартиблар бузилгани учун жами 12 та, жумладан, Тошкент вилоятидан — 6 та, Сурхондарё вилоятидан — 3 та, Жиззах, Навоий ҳамда Хоразм вилоятларидан биттадан танлов савдоси натижалари қабул қилинмаган.

Йилнинг биринчи ярмида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вакиллари томонидан текширилган 144 та объектнинг 139 тасида қурилиш материаллари нархи ва сарф-харажатлари нормаларини нотўғри қўллаш ҳисобига ишлар қиймати 414 миллион сўмга ошириб ёзилгани аниқланди.

Капитал қурилиш соҳасидаги ислохотлар йўлида гов бўлиб турган тўсиқлардан яна бири тегишли бозор инфратузилмаси — қурилиш техникаси ва механизмлари лизингини бўйича ихтисослашган компаниялар, тўла таркибдаги қурилиш-инжиниринг хизматлари билан шуғулланадиган инжиниринг компаниялари ва бошқаларнинг йўқлиги ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Иқтисодиётни ислоқ қилишининг энг муҳим йўналишлари бўйича қабул қилинган унча фармон ва дастурларнинг бажарилиши устидан мониторинг — назоратни таъминлаш учун Р.Азимов ва К.Тўраганов бошчилигида махсус ҳуқуқат комиссияси тузилган.

Мазкур комиссия зиммасига қабул қилинган қарорларни ижро этиш бўйича мавжуд аҳолини яна бир бор танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, 2003 йилга мўлжалланган топшириқлар ва кўрсаткичларни сўзсиз бажаришга доир кечиктириб бўлмайдиган чоралар қўриш вазифаси топширилади.

Хурматли дўстлар! Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар ва янгилинишлар жараёнининг энг муҳим йўналишларини танқидий кўз билан баҳолаб эканмиз, тобора кўпроқ шунга ишонч ҳосил қилмадикки, биздаги эскича қараш илдиэлари, энг аввало, амалдаги бошқарув тизимига бориб тақалади.

Тан олиш керакки, ҳозирги кунда барча даражадаги мавжуд давлат, тармок ва ҳудудий бошқарув тизими олиб борилаётган иқтисодий ва демократик ислохотлар йўлида катта тўсиқ бўлиб турибди.

Яна шуни ҳам тан олишимиз лозимки, биз кўп ҳолларда эски маъмурий-бўйруқбозлик ва тақсимлаш тизимининг ҳамон давом этиб келаётган, ўта яовчан қолипларидан воз кечма олмаганимиз.

Келинг, мавжуд бошқарув тизимининг нуқсон ва иллатларини танқидий нуқтаи назардан қўриб чиқиб, баҳолайлик.

Авалло, кейинги йилларда қатор соҳа вазирликлари турли ҳўжалик бирлашмаларига, яъни корпорациялар, уюшмалар, компанияларга айлантирилганига қарамай, уларнинг моҳияти, иш усули ва услублари амалда деярли ўзгаришсиз қолмоқда.

Бугунги кунда бошқарув аппарати бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган вазифа билан — Ҳуқуқат томонидан қабул қилинган қонунлар ва қарорлар ижроси билан биринчи галда шуғулланиши лозим.

Афсуски, бунинг ўрнига, у ҳудди совет давридаги каби, ҳаётнинг барча жаҳалари ким қамраб олишга, соҳанинг ўзига хос «штаби» бўлишга интиломда. Бошқарув аппарати ходимларининг фаолиятида, аввалгидек, эски маъмурий-бўйруқбозлик усуллари устунлик қилляпти.

Ўзининг ҳўқуронлигини ўтказиш, воқолатларини суиестемол қилиш, фойдаси бўлмаган турли бўйруқ ва йўриқномалар, кўрсатма меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш бундай ходимларнинг, енгилроқ айтганда бўлса, бир касаллигига айлиниб қолган.

(Давоми 4-бетда).

2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида

(Охири. Боши 1-2-3-бетларда).

Бу раҳбарлар корхоналарнинг ҳўжалик фаолиятига тўғридан-тўғри аралашиб, уларнинг ишини қандайдир қолинга солишга, ҳатто кадрлар масаласини ҳал қилишга уриниб оdatларидан ҳали ҳам воз кечмайти. Бъъзан шундай ақлга сиғмайди ишлар ҳам рўй бермоқдаки, беихтиёр ёқангни ушлайсан киши.

Масалан, корхоналар томонидан ихтиёрий равишда ташкил этиладиган уюшма бошқаруви ўзини таъсис этган корхоналар раҳбарларини лавозимга тайинлайди ёки бўшатади. Ваҳоланки, қонунга кўра, уюшма бошқаруви ўзини таъсис этган корхоналар назорати остида бўлмоғи лозим. Бу соҳадаги яна бир муаммо — турли бошқаруви тузилмалари ва бўғинларининг ҳаддан зиёд кўпайиб кетгани билан боғлиқ.

Ҳаёт, тажриба шуни кўрсатадики, марказда, пойтахтда ташкил этилган ҳар қандай бошқаруви органи, албатта, виллоят ва туманларда ўзига ҳисоб берувчи яна бир тузилмани яратди.

Бу тузилма эса, ўз навбатида, ўзининг бошлиқларига, ўринбосарларига ва уларга хизмат кўрсатувчи аппаратга ҳамда «техник персонал» деб аталадиган ходимларга эга бўлишга интилади.

Учинчи нуқсон — бу вазирик ва идоралар ихтиёрида турли тақсимлаш вазибаларининг сақланиб қолиши билан боғлиқ бўлиб, ҳанузгача уларнинг аксарияти фонд ва лимитларга эгалик қилмоқда.

Одатда бундай вазиятларда — ҳатто ресурслар етарли бўлган ҳолатларда ҳам — сунъий тақчиллик вужудга келади. Бундан кўзланган мақсадни эса тушуниш қийин эмас. Амалдорлар ўзининг «куч-қудрати», аслида узравонлигини намойиш этиб, шу ҳисобидан ўз манфаатини ўйлаши барчага аён бўлса керак.

Бунга бир неча мисол келтирмоқчиман. 1997 йилда Маҳаллий сановат вазирилиги тугатилган эди. Унинг таркибида, жумладан, техника ва моддий-хомашё ресурсларини бутун тизим бўйича марказлаштирилган тарзда тақсимловчи «Узмаҳаллий — таъминотсотиш» деган махсус бир тузилма ҳам бор эди.

Вазирлик тугатилгач, ушбу тузилма Тошкент «Маҳаллий сановат» ишлаб чиқариш-савдо компанияси ихтиёрига ўтди. Бирок лоқайдлик, тўғрироғи, юқори мансабда ўтирган амалдорларнинг бевосита кўлаб-қувватлаши натижасида ушбу тузилма маҳаллий сановатнинг худудий бошқармалари ва корхоналари орасида пахта хомашёси ва унинг қайта ишланган маҳсулотларини харид қилиш бўйича ҳисобларни тақсимлаш вазибаларини ўзбосимчилик билан ўзлаштириб олган.

Охир-оқибатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва боҳжона органлари мазкур ташкилот томонидан пахта тозалаш корхоналари билан бирга пахта толасини сотиб олиш тартиби қўпол равишда бўзилиши билан боғлиқ ҳолатларни фош этди.

Маълум бўлишича, маҳаллий сановат корхоналарига паст навли пахта толаси ўрнига биринчи ва иккинчи навли тола берилиб, у эса паст навли момиқ сифатида расмийлаштирилиб, қонунга хилоф равишда мамлакат ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилган.

Бугунги кунда Бош прокуратура бундай фактларнинг ҳар бирини батафсил ўрганиб чиқмоқда ва айбдорлар тегишли жазосини олади, албатта. Айни пайтда ушбу воситачилик тузилмасини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бирок бу ўринда масаланинг илдирич чуқурроқ — тизимнинг ўзида, ресурсларни тақсимлаш механизмида яширинган бўлиб, у кўпала ана шундай текинхўр тузилмаларнинг яшаши ва ривожланиши учун муҳит яратди.

Бунга «Узнефтмаҳсулот» компанияси тизимидики бемаза ишлар ҳам яққол мисол бўла олади. Ушбу тизимни қайта ташкил этиш бўйича қарор қабул қилингунга қадар нефть маҳсулотларини сақлаш ва тақсимлаш масалалари билан республика миқёсида «Узнефтмаҳсулот» компанияси, Қора-

қалпоғистон Республикаси ва виллоятлар миқёсида «Виллоятнефтмаҳсулот» деб аталадиган унитар корхоналар, яна пастроғида учинчи бўғин бўлиб нефть базалари, тўртинчи бўғин бўлиб эса уларнинг филиаллари шугулланиб келган. Агар ҳўжаликларнинг ўзидики мавжуд нефть омборларини ҳам инобатга оладиган бўлсак, бу бешинчи бўғин ҳисобланади.

Кўриб турганингиздек, ҳар бир бўғинда ўзи ҳеч нарса ишлаб чиқармасан-да, лекин ўз мавқеига яраша тақсимлаш ваколатларига эга бўлган амалдорлар ўтирибди. Бу тақсимотнинг эса қандай амалга оширилиши ҳақида гапириб ўтирмасан ҳам бўлади. Бунга жойларда одамлар ўз қондлик тажрибасида яхши кўриб-қилиб турибди.

Эндиликда «Узнефтмаҳсулот» компанияси, хусусан, унинг марказий аппаратининг тузилмаси тубдан қайта қўриб чиқилди. Виллоят нефть маҳсулотлари идоралари тугатилди, мустақил юридик шахс сифатида фақат 25 та нефть базаси қолдирилди, қолганлари тугатилди ёки филиалга айланттирилди.

Биз бу ишни охиригача етказишимиз шарт, энг муҳими, ушбу тизимга қандайд ёпишиб олган «чаққон»лардан қатъият билан қутулиш зарур. Бундай фактларнинг заминини бартараф этишнинг йўли битта. У ҳам бўлса, ресурсларни харид қилишнинг бозор механизмининг кенгроқ жорий этишдан иборат.

Иқтисодиёт вазирилиги барча манфаатдор тузилмалар билан бирга икки ой муддат ичида бу масалани батафсил таҳлил қилиб, турли фондлар, квоталар ҳамда лимитларни тубдан қисқартириш бўйича Вазирлик Маҳкамасига тақлиф киритиши, тасдиқланадиган моддий баланслар рўйхатини қайта кўриб чиқиши, уларнинг кўпини асосий прогноз параметрларини асослашда зарур бўладиган ҳисоб-китоблар сифатида сақлаб қолиши керак.

Ҳисобот олиш, маълумот тўплаш ҳақида гапирганда, шуни айтиш жоизки, бу алоҳида масала. Бу, таъбир жоиз бўлса, кўпроқ бошқаруви тизимининг яна бир сурункали касаллиғидир.

Бугунги кунда иқтисодиётда амал қилиб турган ҳисобот олишнинг бутун тизимини қайта кўриб чиқиш масаласи фақуллодда долзарб бўлиб турибди. Бу, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги учун муҳимдир.

Кенг кўламли, лекин баъзида орқича ва кераксиз бўлган, амалда деярли ҳеч қим фойдаланмайдиган маълумотларни тўплаш кўлаб бошқаруви тузилмаларининг асосий фаолиятига айланиб қолган.

Биз бир масалани ўз олдимизга тақорор ва тақорор қатъият билан қўйишимиз керак — фақат ишлаб чиқариш ва реализация масаласини теозорлик билан бошқариш учун зарур бўлган ҳисоботи, шу жумладан, баланс ва бошқа муҳим таҳлилий материалларни тайёрлаш, жорий ҳамда истиқбол прогнозларини ишлаб чиқишга хизмат қиладиган ҳисоботнигина сақлаб қолиш лозим.

Бунда ҳисоботлар рўйхатини қисқартирибгина қолмасдан, балки уларнинг мазмун-моҳиятига чуқур кириб бориш, ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаган кўрсаткичларни чиқариб ташлаш, шуни инобатга олган ҳолда, орқича маълумот тўплашни бекор қилиш ва тегишли бошқаруви бўғинларини қисқартириш бўйича тақлифлар тайёрлаш керак.

Бунинг учун, энг аввало, Давлат статистика қўмитаси, унинг жойлардаги органлари ҳамда қуйи ташкилотлардан мунтазам ҳисобот олиб турмасан ишсиз қолишдан қўрқадиган бошқаруви тузилмалари — вазириклар ва идоралар маъсулиятни ўз зиммасига олиши даркор. Биз бу масалага бошқаруви тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим шартини деб қарашимиз лозим.

Яқиндагина қишлоқ ҳўжалиги соҳаси бўйича олинадиган ҳисоботларнинг 60 фоиздан зиёд қисқартириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бундай имконият ва резервлар бошқа соҳаларда ҳам мавжудлиги ҳеч қимга сир эмас.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз за-

рурки, маъмурий бошқаруви тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим аҳамияти ва жиҳати бошқаруви аппаратини сақлаб туришга сарфланадиган бюджет ва ҳўжалик харажатларини кескин қисқартириш зарурати билан боғлиқдир.

Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш, бинобарин, корхоналар ва аҳоли зиммасидики солиқ юқини камайитириш имкониятлари ҳам мана шу ерда, десак, ҳеч қандай хато бўлмади.

Ушбу муаммонинг яна бир томонини бор. Давлат бюрократик аппарати қанчалик катта бўлса, давлат номидан иш олиб борадиган айни ана шу аппаратни назорат қилиш зарурати ҳам шунчалик кучаяди. Натижада ҳамма жойда — ҳўкимликлар ва вазириклар ҳузурини бўладими, ҳуқуқат ҳузурини бўладими, бошқаруви аппаратининг қонунларини ва қабул қилинган қарорларини ижро этиш бўйича фаолиятини назорат қилиши лозим бўлган турли назорат хизматлари юзага келади. Ўз-ўзидан равшанки, давлат аппаратини ва умуман бошқаруви ходимларини қисқартириш масаласи жамият ҳаётидаги энг жиддий ҳавф бўлиши коррупцияга қарши курашда муҳим бир омил бўлади. Нега деганда, бу ҳавфли иллат бамисоли занг каби бошқаруви тизимини емира бориши ва охир-оқибатда ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодиёти ва ижтимоий-сиёсий барқорорлигига катта зарар етказиши мумкин.

Бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, бизнинг назаримизда, қандай йўналишда амалга оширилмоғи керак? Ва биз бу ислоҳотдан қандай амалий натижаларни кутаямиз?

Биринчидан, иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг ролини кескин чеклаш, давлатнинг бошқаруви тузилмалари ва уларнинг вазибаларини қисқартириш, давлат бошқаруви органларини сақлаб туришга сарфланаётган харажатларни камайитириш.

Давлат вазибалари ва ваколатлари тобора кўпроқ жамоат, нодавлат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтиши керак. Лекин бу вазибалар шунчаки номга, ҳўжақўрсинга ўтказилмай, уларни амалга оширишнинг таъсирчан механизмлари яратилмоғи ҳамда аниқ манбалари белгилаб қўйилмоғи даркор.

Ижро этувчи ҳўкимиятнинг давлат органлари тасарруфиди сақлаб қолинмадиган вазибаларидан келиб чиққан ҳолда, уларни бажаришнинг аниқ тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш зарур. Бу тартиб-қоидалар давлат органлари ҳамда давлат хизматчиларининг мажбуриятларини қатъий белгилаб бериши, уларнинг фаолиятини амалий баҳолаш ва назорат қилиш имкониятини яратиши лозим.

Иккинчидан, бошқаруви ўта марказлаштириш тамойилдан воз кечиб, айрим вазибаларни бошқаруви ҳудудий бўғинларига кенг кўламада ўтказиш, ўқоридан пастгача бўлган орқича маъмурий тузилмаларни тугатиш зарур.

Барча даражадаги ҳўкимият органларининг ислоҳотларини амалга ошириш, жойлардаги ишларнинг аҳоли, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, бандлик муаммоларини ечиш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлиги даражасини кўтариш борасидаги маъсулиятини қўнайитириш лозим.

Табиики, бунда бозор иқтисодиёти тамойилларига сўзсиз риоя этилиши ва уларнинг бажарилишини таъминлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Акс ҳолда маъмурийлаштиришдан воз кечиш ўрнига уни шунчаки бошқаруви тизимининг қуйи бўғинларига ўтказиб қўйишдек номмақбул ҳолат юзага келиши мумкин.

Учинчидан, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, айрим идоравий, тармоқ ва худудий бошқаруви тузилмаларини қайта тузиш, бирлаштириш, қисқартириш ва тугатиш асосида иқтисодиётнинг бошқаруви тузилмалари самарадорлигини таъминлаш.

Бугунги кунда нафақат айрим бўғин-

ларни, балки алоҳида идораларни ҳам сақлаб қолиш қай даражада мақсадга мувофиқ, деган масалани қайта кўриб чиқиш пайти келди. Чунки уларга қилинаётган сарф-харажатлар амалда ўзини деярли оқламапти.

Тўртинчидан, бошқаруви тизимининг самарадорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш. Қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш сифатини сезиларли даражада ошириш, уларнинг ижроси устидан назоратнинг таъсирчан механизмининг жорий этиши. Вазирик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмаларининг мавжуд бошқаруви усул ва услубларини маъмурий-буйруқбозликдан ҳалос қилиш, уларнинг корхоналар ҳўжалик фаолиятига аралашлишига, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақиллигини чеклашига йўл қўймаслик учун тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Бешинчидан, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш, кераксиз ҳисоботларни ва қозғобозликни қисқартириш асосида давлат бошқаруви тизимини босқичма-босқич модернизация қилиш ҳисобидан унинг самарадорлигини ошириш.

Лўнда қилиб айтганда, бошқаруви тизимини ислоҳ қилишдан кўзланган бизнинг асосий мақсадимиз бу:

— Биринчидан, давлат, жамоат ва ҳўжалик субъектларини бошқаришнинг бутун тизимини демократлаштириш ва эркинлаштиришни таъминлаш; — иккинчидан эса, уларни мамлакатимиз ҳаётининг ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг ҳўзирги замон талабларига мос ҳолатга келтиришдан иборатдир.

Бошқаруви тизимини ислоҳ қилишнинг чуқурлаштириш ва иқтисодиётнинг бошқаруви тузилмасини тақомиллаштиришга доир тақлифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (Азимов) кўрсатиб ўтилган барча йўналишлар юзасидан бир ой муддат ичида аниқ дастур ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Хурматли йиғилиш қатнашчилари!

Дарҳақиқат, бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш зарурати аллақачон пишиб етилган ва бу ишни кечиктирмай амалга ошириш керак.

Бугун ҳаётнинг ўзи, замоннинг ўзи биздан шуни талаб этмоқда. Бу масалани ҳал этмасдан туриб чуқур иқтисодий ўзгаришларни ҳаётга татбиқ этиш мумкин эмас, десак, айни ҳақиқатини айтган бўлаимиз.

Айни пайтда биз бошқаруви аппаратини ислоҳ қилиш жараёни осон ва силлиқ кечеди, деган хомхаёлларга берилмаслигимиз керак.

Бу жараён кўлаб бошқаруви ходимларининг манфаатларига, баъзан эса тақдирига бевосита даҳл этишини унутмаслигимиз лозим.

Ва шу сабабли бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш ана шу одамлар учун мана иқтисодий, ҳам ижтимоий нуқтаи назардан имкон қадар безарар бўлишига ҳаракат қилишимиз керак.

Яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Жамият ҳаётини демократлаштириш шароитида ислоҳотларни жамоатчилик назорати остида амалга ошириш, унинг моҳияти, мақсад-вазибаларининг оммавий ахборот воситаларини орқали кенг ёритилишини таъминлаш ҳам гоят муҳим аҳамиятга эга.


Ана шундагина биз ушбу ислоҳотлардан қўтилаётган натижа ва самараларга эриша оламиз.

Қадрли дўстлар! Барчамизнинг энг олий мақсадимиз — эл-юртимизнинг турмуши, ҳаёти ва фаровонлигини ривожланган демократик мамлакатлар даражасига кўтариш. Ҳеч қимдан кам бўлмай яшаш.

Ҳаммамизга аён бўлиши керакки, бу борада ҳалқимизнинг ишонч-умидларини оқламасликка мутлақо ҳаққимиз йўқ.

Ва биз бу олижаноб мақсад-муддаларимизга албатта эришамиз, иншооларимизга.

Ана шу эзу мақсад йўлида барчангизга сийҳат-саломатлик, ишларингизга ривож ва амал тилайман.



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

◆ Ироқнинг ҳарбий жиноятлар бўйича трибунали мамлакатнинг собиқ президенти Саддам Хусайн ва унинг яқин ёрдамчиларига қарши жиноий иш кўзга тади. Ироқ кенгаши аъзоларидан бирининг айтишича, ҳозирча АҚШ ҳукумати қидриляётган 55 нафар кишининг тақдири ҳақида маълумот бермаган. Ироқ ҳукумати кенгаши уларнинг ишини текшириш ва жиноятчиларни қонун доирасида жазолашни ўз зиммасига олган.

◆ Хитой шу ойдан бошлаб қуролли кучларнинг жанговарлигини ошириш мақсадида армиясини қисқартириш бошлайди, деб хабар беради мамлакат мудофаа вазирлигидаги манбалар. Маълумотларга кўра, айти пайтада сони 2,5 миллион кишидан иборат армия 500 минг нафарга қисқартирилади. Ҳарбий ҳаво ва ҳарбий денгиз кучлари энг кам қисқартирилиши режалаштирилмокда.

◆ Россия Мудофаа вазири Сергей Ивановнинг айтишича, жорий йилнинг ўзида Чеченистондаги операциялар чоғида қуролли кучлар тизимининг 148 нафар ҳарбий хизматчиси ҳалок бўлган. «Интерфакс»нинг хабар беришича, сўнгги пайтларда Чеченистонда турган Россиянинг барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг хизматчиларидан бериллаётган йўқотишлар кўпроқ кузатилмокда.

◆ Япония мебель алоқалари тизимида яна бир катта ихтиро қилинди. Эндиликда Япония мебель телефонлари инсон кўли излари орқали ўз эгаларини таниб олишар экан. Жаҳонда уяли телефон компаниялари орасида энг йириги ҳисобланган «Эн-ти-ти» ДоКоМо» мебель телефон операторининг тарқатган хабарига кўра бундай русумли мебель телефонлари жорий йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб чиқарила бошлайди. Мазкур телефонни ишлатиш учун эгаси махсус тугмачани бир бармоғи билан босса кифоя. Ушбу тизим 10 тагача бармоқ изларини ёдда сақлаш имкониятига эга. Янги мебель телефони «дактилоскопик» хусусиятлардан ташқари яна бир қанча функцияларни, яъни Интернетга кириш ва 1,28 мегапикселли видеокамераларга улашишга қодир. Шунингдек, янги мебель телефони 1040 та фотосурат ёки 29 дақиқа видеотасмани ишга солувчи 16 мигабайт хотира ҳажмига эга қўшимча чипга улашиши мумкин. Мазкур мебель телефонларининг моделига қараб ўртача нархи 5100 иен (435 АҚШ долларига тенг).

◆ Киргизистон ички ишлар вазирлигининг хабар беришича, ўтган душанба кун франциялик 57 ёшли сайёҳ Жерар Старк мамлакат шимоли ва жанубини боғловчи Бишкек — Уш автотрассасида ҳалокатга учраган. «Honda» мотоциклида Бишкекдан Тошкент томон йўлга чиққан эди. Старт автотрассанинг 225-километрида маҳаллий киши бошқарувдаги «Audio» машинаси билан тўқнашиб кетган. Олган жароҳати боис, у воқеа жойида ҳаётдан кўз юмган. 1997 йили Женевадан йўлга чиққан Жерар Старк Европа, Яқин Шарқ, Шимолий ва Лотин Америка ва Осиёнинг қўлбам мамлакатларида бўлиб, Киргизистон унинг саёҳатидаги 149 давлат саналаётган эди. Жами 257 минг километр масофани мотоциклда босиб ўтган сайёҳ бундан олдин 10 га яқин аварияларга йўлликкан.

Азамат деҳқонларимиз Абу йил бугдойдан мисли кўрилмаган юксак ҳосил олдилар, қаҳрамон дала заҳматкашлари, биродарларим, ҳирмонга барака! Ҳукуматга сотишдан ташқари баъзи хонадонлар йигирма, ўттиз тонналаб сара бугдойни ўз хонадонларига туширдилар. Фаровонликнинг биринчи белгиси — нон, унинг отасинонаси бугдойдир. Бошқа неъматлар ҳам зарур, лекин ноннинг баҳоси йўқ, у жаннатий неъматдир. Дон етиштиришдаги халқимиз ғалабаси — Мустақиллик байрамимизга биринчи совға. Пахтамиз ҳам, Худо хоҳласа ёмон бўлмайди.

Пойтахтимиздаги қуриллишлар кўзини яшнатди, бунинг замирида қанчалар заҳмат, қанчалар илмий ишлару изланишлари заки инсонлар, муҳандислар хизмати ётибди. Бу асрларга татигудлик ишларни ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Тўқсон баҳорни қоралаб бораётган каминга ҳам ёруғ дунёда офтобимиз нурулари ичида умргузаронлик қилаётган эканман, бу ишларни кўриб қувонмай бўладими! Товуқхона қуриш учун ҳам «ака»ларимиздан рухсат сўрайдиган замон ўтиб кетди, наинки пойтахт, мамлакатимиз шаҳарларида бунёд бўлаётган асрий бинолар, гўзал, замонавий, қулай иншоотлар ҳар бир кишини қувонтирмай иложи йўқ. Энг муҳими

шуки, наинки муҳандис, қурувчи, қўли қадоқ жигарларим, биз қалам аҳлининг ҳам бу ишларда ҳиссамиз йўқ эмас. Шу муносабат билан иккинчи айтадиган гапим Амударёимизнинг нариги томони, Ҳайратон кўпригиндан ўтгандан кейин то Мо-

гаплар ҳаммага аён. Каминани хурсанд қилган иш — Техронда уч мамлакат Президентлари учрашиб бир қанча жаҳоний масалалар кўрилиб, бир қарорга келинди. Бу муҳим воқеаларни телевидение орқали кўриб, мамлакатимиз олиб бораёт-

Саланг тоғлари оша қурилган йўллар, туннелларда ишлаб чиниққан усталар ҳамсоа давлатга олжаноб қўлини узатиб, кўприклар қуриб беражак. Кўприк қурмоқнинг масҳид қурмоқдан ҳам афзаллиги Ҳадиси шарифларда айтилган. Йўллар бизни яна ҳам дўсту қадрдон этади, ўзбек қуриб берган равон йўллар, Худо хоҳласа, то Қарачи бандаргоҳига боради, қўшни мамлакатлар замини оша биз Баҳри муҳитга чиқамиз, океанларда бизларнинг молларимиз ҳам узоқ мамлакатларга етиб боради.

Тараққиёт йўлида ҳали қиладиган ишларимиз кўп, ниятларимиз холис. Шундай қизгин жараёнда адиблар, журналистлар қўл қовштириб туролмаймиз, беҳосил, бесамар бўлиб қолмокдиган Худо арасини! Халқимиз, Давлатимиз шунча ишларни рўёбга чиқариб турса-да, биз журналистлар бесамар бўлиб қолса халқ кечирмайди. Азимиз журналист, балки танқид қиларсан, бу ҳам керак, балки адолат ила яхши сўзлар айтарсан, бу ҳам керак! Аммо бепарво турма! Шундай қулларда қалбим жўш урмаса қачон уради! Биз адиблар, журналистлар азамат халқимиз қилаётган ишлардан орқала қолмайлик, зеро маҳорат билан яратган асарларимиз давримиз шаён-шавкатини замондошларимизга, келажак авлодларга етказали.

12
O'ZBEKISTON
• ИСТИҚЛОЛ — БУЮК НЕЪМАТ
МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Қалбимиз жўш урсин

Мамлакатимиз тараққиёти йўлида, Мустақилликнинг ўн икки йиллиги арафасида уч буюк иш хусусида сўз айтмоқчиман. Зеро, бу унутилмас айёмда оғизга талқон солиб турмоқлик гуноҳ!

зори Шариф шаҳрига етгунча йўлда бешта мустақкам ва замонавий кўприкни афғон халқи учун Ўзбекистон қуриб берди. Катта-кичик афғонлар Ўзбекистоннинг бу ҳиммати, ҳамсоалик, қадрдонликни кўриб, хурсандчиликдан кўзларига ёш олмақдалар. Толибонлар, «Ал-Қоида» террорчилари мамлакатни харобага айлантди, наинки кўпригу йўлларни, турар жой биноларини ҳам вайрону талқон қилди, эрқарвар афғон халқини жаҳолда тутди. Бу

ган сиёсатнинг тинчлик ва ҳамкорликка қаратилётгани дўстларга аён. Яна бир муҳим гап шу-ки, улуг мутафаккир шоиыр, ўзбек халқининг факри Мир Алишер Навоийнинг Ҳиротдаги макбараси қайтадан тикланиб, асрлардан асрларга ўтувчи ёдгорлик бўлади. Ал-Бухорий, Ибн Сино, имом ал Мотуридийи ва бошқа алломаларнинг макбараларидан кам бўлмайди, иншоолло! Ўзимиздаги Камчиқ довоми оша қурилган йўллар, Қашқадарё, Сурхондарё, нарироқдаги



Ҳакимжон Солимов олган суратлар.

• ТАНЛОВЛАР

ЎИДА СОҒ БЎДСА — МАҲАЛЛА ОБОБ

Мамлакатимизда Обод маҳалла йили муносабати билан маҳаллаларда оилалар мустақкамлиги, саломатлиги ва манфаатларини таъминлаш, намунали оилалар келинларининг ибратли томонларини ўрганиш, уларнинг тиббий маданиятини ошириш, аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустақкамлаш, ёш оилаларни халқимизнинг қадимий урф-одатлари, анъаналари ва миллий кадриятларимиз руҳида тарбиялаш мақсадида кўпгина ишлар амалга оширилмокда.

Куни кеча Юнусобод туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитасининг оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мажмуаси, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, маҳалла хотин-қизлар комиссиялари билан ҳамкорликда «Нуронийлар» оромгоҳида «Оилам соғ бўлса — маҳаллам обод» мавзуйда кўрик-танловнинг ташкил этилиши ҳам фикримиз далилидир.

Тумандаги «Бободехқон», «Ўзбекистон мустақиллиги», «Чоштепа», «Умид», «Янгиобод» маҳаллаларининг ибратли келинлари ўртасида ўтказилган ушбу танловдан асосий мақсад оилалар, унда оналар ва болалар саломатлигини мустақкамлашга ҳисса қўшишдан иборатдир.

— Обод маҳалла йили муносабати билан

аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустақкамлашга бағишлаб ўтказилган ушбу танловда ёш келинларимиз ўзларининг турли соҳадаги билимлари ва маҳоратларини намойиш этишди, — дейди «Бободехқон» маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раиси Дилором Тулаганова. — Танлов якунида «Янгиобод» маҳалласидан 1-ўринни қўлга киритган Машқура Пирхонова, «Бободехқон» маҳалласидан 2-ўрин соҳибаси Дилобар Болтаева ҳамда «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласидан 3-ўрин эгаси Наргиза Қудратоваларга эсдалик совғалари топширилади.

Орзуғул РУСТАМОВА
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

• ҲАМКОРЛИК

Изданишлар муносиб тақдирланди

Очиқ жамият — Ўзбекистон кўмак институту (Сорос жамғармаси) республикамиздаги қатор мактаблар билан яқин алоқа боғлаб келмокда. Бу эса мактабда услубий хизматни такомиллаштириш, ўқитишнинг энг янги технологияларини таълим жараёнига татбиқ этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмокда. Мазкур ҳамкорлик домида бир неча тажриба-ли ўқитувчилар Сорос жамғармасининг халқаро тренерлари деган фахрли ном эгаси бўлишди.

Тошкент Давлат техника университети ҳузуридаги академик лицей ўқитувчиси Умар Зиёев ҳам биринчилардан бўлиб бундай катта ишончга сазовор бўлди.

Бу ижодкор педагогининг ноанъанавий усул-усулблар асосида уюштириётган дарс машғулотлари жамғарма томонидан қўллаб-қувватланди. «Самарали мактаб таърифи», «Бошқарув маданияти», «Интерфаол методлар» каби энг янги технологияларни таълим амалиётига татбиқ этиш борасидаги изланишлари ҳам муносиб тақдирланди.

Аҳмад АББОСОВ

«Тошкент оқшоми»

ХУКУҚИЙ
МАСЛАХАТХОНАСИ**Қонунга ҳурмат ва
итоаткорлик — ҳаёт мезони****(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)****(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларига)**

- ◆ 14 ёшгача бўлган кичик ёшдаги бола томонидан етказилган зарар учун унинг ота-онаси, агар зарар боланинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, жавобгар бўлади
- ◆ Уй ҳайвони томонидан етказилган зарар учун унинг мулкдори ёки бу ҳайвонга эгалик қилувчи ва ундан фойдаланувчи шахс умумий асосларда жавобгар бўлади
- ◆ Турар жой мулкдори ўзига тегишли турар жойни бошқа турар жойга ёки ўзга мол-мулкка айирбошлашга ҳақли
- ◆ Умрбод таъминлаш тартиби билан турар жой мулкдори ўз уйини (уйнинг бир қисмини), квартирасини бошқа шахсга мулк қилиб бериши мумкин
- ◆ Хар қандай шартномани тарафлардан бири жиддий равишда бузса, бинобарин иккинчи тарафи уш шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум қиладиган тарзда зарар етказилса, иккинчи тарафининг талаби билан шартнома суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

V бўлим. Меросга ҳамда ворислик ҳуқуқига тааллуқли масала ва муаммолар ечими

Банка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир.

**Ўзбекистон Республикасининг
Конституциясидан**

Ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади.

Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади.

И.А.Каримов

5.1. Ворислик ҳуқуқи

143. Ворислик қай тартибда амалга оширилади?

Вафот этган шахсга (мерос қолдирувчига) тегишли бўлган мол-мулкнинг бошқа шахсларга ўтиши ворислик ҳисобланади. Ворислик: биринчидан, васият бўйича; иккинчидан, қонун бўйича амалга оширилади.

Васият мавжуд бўлмаган ҳолларда ворислик қонун бўйича амалга оширилади. Бундан ташқари васиятнома қисман ҳақиқий эмас деб топилса ёки мерос мулкнинг фақат муайян қисми васият қилинган бўлса, унинг ҳақиқий эмас деб топилган ёки васият қилинмай қолган қисмига нисбатан қонун бўйича ворислик амалга оширилади.

Шу заил қонун бўйича ворислик:

- 1) васият мавжуд бўлмаган;
- 2) васият бутун мероснинг тақдирини белгиламаса;
- 3) Фуқаролик кодексига белгиланган бошқа ҳолларда амалга оширилади (Фуқаролик кодексининг 1112-моддаси).

144. Мерос таркиби нималардан ташкил топади?

Фуқаролик кодексининг 1113-моддасида белгиланишича, мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига қиради. Мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, жумладан алимент, пенсия олиш ҳуқуқи ва мажбуриятлари мерос таркибига қирмайди.

145. Мероснинг очилиши қай йўсинда кечади?

Меросга оид ҳуқуқий муносабатлар мерос очилиши билан вужудга келади. Мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилади (Фуқаролик кодексининг 1116-моддаси).

Фуқаронинг ўлими фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари томонидан берилган фуқаронинг вафоти ҳақидаги гувоҳнома билан тасдиқланади. Мазкур орган бундай гувоҳномани вафот этганининг шахсини аниқловчи ҳужжат (паспорт) ва тебибий муассасанинг вафот этганлик фактини тасдиқловчи маълумотномасига асосан беради. Паспортни тақдим этиш имконияти бўлмаган ҳолларда, вафот этганлик факти Фуқаролик кодексининг 36-моддасида белгиланган тартибда суднинг фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарори билан белгиланади.

Мерос қолдирувчининг вафот этган кунини, зарур ҳолларда эса, вақтини (соатини) аниқлаш ҳам талаб қилинади.

Мероснинг очилиш вақтини тўғри аниқлаш меросга оид ҳуқуқий муносабатларни амалга оширишда ғайриқонуний ҳаракатларнинг олдини олади. Чунки меросхўрлар доирасини ва мероснинг таркибини (144 ва 148-саволларнинг жавобига қаранг) аниқлаб олиш, меросни қабул қилиб олиш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани бериш (173-саволнинг жавобига қаранг), меросдан воз кечиш (149-саволнинг жавобига қаранг), ҳозир бўлмаган меросхўрларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мерос мулкни эгасиз деб топиш (95-саволнинг жавобига қаранг) ва меросга оид бошқа ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш мерос очилиш пайтининг тўғри аниқлинишига боғлиқ.

(Давоми бор)**Мушоҳада**

XXI аср — ахборот жараёнларининг глобаллашуви асридир. Чунки ҳаётимизга уяли телефон, компьютер, сунъий йўлдошли антенна, Интернет тармоғи кириб келди. Ахборотнинг кўплиги, хилма-хиллиги даврининг тез суръатларда ўзгаришига, инсон тафаккурини ҳам тараққиётининг шиддатли оқимида камол топтиришга олиб келди. Ахборотга эга бўлган инсон дунёга эгалик қилади деган тушунча бугун ҳар қадамда ўз исботини топмоқда. Айниқса ёшларимиз давр ҳозирлаган бу қулайликлардан унумли фойдаланиб, ҳаттоки фанда муҳим янгиликларни кашф этмоқдалар ва яратган лойиҳалари билан халқаро микёсда бўлиб ўтадиган танловларда иштирок этмоқдалар. Бу ҳақда ҳамшаҳарларимизнинг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдик.

— Компьютер технологияси ёрдамида жуда кўп имкониятларга эга бўлдим. — дейди Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси Сардор Аҳмадҷонов. — Яъни алоқа соҳасининг долзарб муаммоларига бағишланган сайт яратдим. Бу эса ўз навбатида Тбилисда компьютер бўйича бўлиб ўтган халқаро танловда иштирок этишимга сабаб бўлди. Ҳозирда танлаган мавзуним бўйича янги сайт яратиш устида иш олиб бормоқдаман.

Кўриб турганимиздек ёшларимиз танлаган соҳаларига

бугунги кунда намойиш этиладиган жангари фильмлар унинг онгига ўрнашиб қолган. Компьютерда ўтирган бошқа болаларга разм солдик. Афсуски уларнинг аксарият қисми 6 ёшдан сал каттарок болакайнинг қизиқиши доирасидаги уруш-тўполонга асосланган ўйинлар билан машғул эдилар. Хаттоки улардан бирортаси ҳам ахборот олиш ёки алмашиш мақсадидадан йироқлиги билан бизни ўйлантирди. Афсуски шунга ўхшаш кўпгина Интернет клубларда асосан ўзин дастурларидан фойдаланилмоқ-

нинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминловчи бир қатор ўйингоҳлар ташкил этилган. Энди бу ўйинларнинг мазмуни ҳамда қондалари билан танишсак. Рангли, мусиқали, рақс тушишга, кучли зарб беришга асосланган ўйинлар ёшларни қандай руҳда тарбиялаши мумкин? Мана бу одам шаклидаги кўғирчоққа эътибор беринг. Унга ўрнатилган чармга кучли зарб бериш билан пиво ичимлигини ютиш ёки шу кўринишдаги бошқа ўйинда голиб чиққан ҳолда шоколадага эга бўлиш мумкин экан. Асабини таранглаштирувчи бу ўйинлар ёш авлодни кам ҳаракатли ва тажовузкор қилиб қўймаётими? Биз ўйинчилардан бирини суҳбатга тортидик.

— Мен одамнинг юзига зарб тушириш билан роҳатланман. Компьютер техникаси ҳозирлаган бу ўйинлар менга шу жиҳати билан маъқул. Шунинг учун ҳам бу ерга тез-тез келиб тураман. Кўпи билан бир ярим минг сўм пул сарфлайман. Мен учун бу катта пул эмас. — дейди ўспирин Йигитча.

Маълумотларга кўра босқинчиллик ва жанговар руҳдаги компьютер ўйинлари намойиш этиладиган қатор фильмлар инсонларда қор-томир касалликларининг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

— Азалдан одамзод зўриқтирадиган омиллардан ўзини сақлаб келган. Чунки инсон зўриқши оқибатида турли руҳий хасталикларга дучор бўлади, — дейди психология фанлари доктори, профессор Васила Каримова. — Инсон асаб толарининг таранглашиши психологик портлаш ҳолатини юзгага келтиради ва қонтомир касалликларини келтириб чиқаради.

Хозирда фарзандларимиз компьютердан ўйин воситаси сифатида фойдаланиб, бир вақтинг ўзида соатлаб ўтириб нафақат руҳий, балки маънавий саломатликларига салбий таъсир кўрсатмоқдалар.

Инсон тафаккурининг буюк мўъжизаси бўлиши компьютердан фақатгина ўйин воситаси сифатида фойдаланиши компьютер имкониятларини жўн тушуни эмасми? Зеро, компьютернинг бирламчи вазифаси инсон тафаккурини мукаммал шакллантиришга қаратилган. Шундай экан, улардан меъёр даражасида фойдалансанк, фарзандларимизга ҳам фақатгина эзгуликка чорловчи ўйин турларини рағбат сифатида тақлиф этсанк, аини мудоаа бўлар эди. Қолаверса, тараққиётнинг тезкор оқимида инсон учун муҳайб бўлган турли незматларини кадимийси китоблигини ёддан чиқармаслигимиз ҳам қарз, ҳам фарздор. Зеро, китоб неча асрдан буён инсониятни тарбиялаб, маънавият бешини тебратган бебаҳо меросимиздир.

Феруза МУҲАММАДЖОНОВА**Ахборот
технологияларига
қизиқасизми?**

жуда қизиқадилар ҳамда компьютерда бажариладиган янги-янги дастурларни яратишни режалаштирмоқдалар. Лекин афсуски, ахборот технологиялари имкониятларидан фақатгина маданий ҳордиқ чиқариш йўлида фойдаланганлар ҳам учраб турибди.

— Ҳақиқатдан ҳам компьютер улкан ахборот манбаи, — деб ўз фикрларини баён этди Тошкент ахборот технологиялари университети лаборатория мудири Нодир Мирзаев. — Ундан тўғри фойдаланиш муваффақият гаровидир. Лекин ҳозирда шахримиздаги Интернет клубларида асосан ўйин дастурлари пул ишлаш йўлида фойдаланилмоқда. Айниқса беҳаё суратлардан ташкил толган дастурлар ҳали тўлиқ шаклланимаган ёш авлод тарбиясига путур етказмоқда. Агар ёшларнинг ўйинга бўлган эҳтиёжларини маълум даражада чегараласанк, унинг оқибатлари аянчли бўлиши турган гап.

Дарҳақиқат, биз бу борадаги вазиятни атрофлича ўрганиш мақсадида шахримизнинг жуда кўп жойларида хизмат кўрсатаётган Интернет клубларининг фаолияти билан қизиқдик. Интернет клубларидан бири эшигидан жажжигидан боланинг ўқдек учиб киргани эътиборимизни тортиди. Қўлига 200 сўм пулни маҳкам ушлаб олган болакайнинг кўзидаги зўр хайратни, компьютерга бўлган қизиқиши кўриб аввалгига қувондик. Демак, бу болакай компьютердан фойдаланишни билади. Лекин...

Биз уни бу ерга нима мақсадада ташриф буюргани билан қизиқдик.

— Мен компьютерда «Олтер Страйд» деб номланган солдатларни ўлдирадиган ўйинларни яхши кўраман, — деди болакай биз билан суҳбатда.

Боланинг бу қизиқиши тасодиф эмас албатта. Сабаби

да. Чунки бу ўйинларнинг доимий мижозлари ёшлар, бунинг устига улар айни кунда таътилдалар. Қолаверса, компьютер ўйинлари Интернет тармоғидан даромадлироқ-да. Эътибор бериб қузатсак, биргина мижознинг ўзи энг каммида ярим соат ёки ундан-да кўп вақт давомида ўйинга берилиб ҳам иқтисодий, ҳам ақлий куч сарфламоқда.

Хўш, нима учун ўйинлар инсонни бунчалар ўзига ром этади? Маълумотларга қўра инсонлардаги энг кучли ҳистуйғу — бу ўйинларга бўлган

қиёқибозликдир. Уйин эса инсон умрининг дастлабки босқичларида боланинг ақлий ва жисмоний камолотини таъминловчи омиллардан бири ҳисобланади. Содда кўринишдаги ўйинлар ёрдамида гўдак ўз-ўзини англаб боради. Демак, ўйинларга бўлган интилиш инсонда табиатан мавжуд бўлиб, унинг кейинчалик шаклланишидаги ҳаётий зарурат сифатида намойиш бўлади.

Одамзоднинг ўйинга бўлган эҳтиёжлари ҳамда компьютер технологияларининг тақомиллашуви дунёда махсус тарзда уюштириладиган ўйинлар бизнесини вужудга келтирди. Катта маблағни меҳнатсиз кўлга киритиш ораси барчани ўз домига тортиди. Инсондаги нафс туйғуси қизғин руҳда ўтадиган ўйинлар жараёнда ўзининг авж нуктасига етди. Айни кунларда бизнинг жамиятда ҳам компьютер технологияларига асосланган ранг-баранг пул ютуқли ўйинлар мавжуд. Энди эса Интернет клублардан ташқарида бўлган кўнгличор масканларга назар ташлайлик. Айтиш жоизки, шахримизда ёшлар-



Ўзбекистон ва жаҳон

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб домо бўлур...

- Яхши дўст — туганмас ха- зина.
- Дўстлар дийдоридан ортиқ кувонч, фироқидан ортиқроқ гам йўқ.
- Одамлар билан шундай яша- гинки, дўстларинг душман бўлмасин, душманларинг эса дўстга айлансин.
- Агар одам ўз ҳаёт йўлида яхши танишлар ортирмас экан, у тезда ажалланиб қолади.
- Кимки нуқсонсиз дўст ах- тарса, дўстсиз қолади.
- Дўстан кечгандан кўра сўздан кечган яхши.
- Кобусномада дўст танлаш ҳақида шундай дейилади: Эй фарзанд, билгинки, то киши ти- рикдир, дўстсиз бўлмагай. Киши- нинг дўстсиз бўлганидан биро- дарсиз бўлгани яхшидир. Бир донишманддан сўрадиларки: «Дўст яхшими биродар?» До- нишманд деди: «Дўст яхши».

Хамма вақт дўст тутмоқни одат қил. Чунки ҳар кишининг дўсти кўп бўлса айблари ҳам ошқор бўлмайди, фазилати кўпаяди. Лекин янги дўстни топанганида эски дўстингдан кечмагин. Улар- дан юз ўгирмагин, токи ҳамиша дўстинг кўп бўлсин. Масалан, шундай деганларки, яхши дўст кишига улўғ давлатдир.

Ақлсиз одамлар билан ҳаргиз дўст бўлмагин, ақлсиз дўст ақли душмандан ёмонроқдир. Ақл- сиз дўст шундай иш қиладикки, ақли душман уни қила олмай- ди. Олжаноб, мурувватли, илм- ли, вафоли кишиларни дўст тут- гинки, сен ўзининг мурувва- тинг, шафқатинг, илминг билан машур бўлгайсан. Бемурувват, меҳр-шафқатсиз, илмсиз одам- лар билан ўтирмагилки, бундай одамлар билан ўтиришдан кўра танқоқлик яхшидир. Дўстларнинг ҳақини асло бекорга кеткизма- гин, токи сени маломат қилма- синлар.

Эй фарзанд, одамлар билан дўстлигинг ўртача бўлсин. Дўстим кўп деб барчасига умид билан кўнгил боғламагил, илгари ва кейинга қарагил. Дўстлар- нинг эътиқодидан соғил бўлма- гин. Агар сенинг мингта дўстинг бўлса, эҳтирд ҳаммасига сендан дўстроқ киши бўлмагай. Дўстликни мул-қулчилик, сир айтиш, таом ва тангдаслик билан, фойда ва зиён билан синаб кўр. Агар дўстинг сенинг душманинг билан душман бўлмаса, уни дўст демагил, ошно дегил. Дўстинг- дан дўстлик вақтида бир нарсга ўргатмагил, чунки вақт келиб дўстинг сенга душман бўлиб қо- лса ўргатганинг ўзингга зиён қилур, пушаймон бўлурсан. Қаш- шоқ бўлсанг бадавлат билан дўстлашмагин, чунки қашшоқни ҳеч ким дўст тутмайди. Ўзингга лойиқ дўст ахтаргил. Агар сен бадавлат бўлсанг, қашшоқни тут- санг раводир. Аммо халқнинг дўстлигига кўнгилни рост тутгил, токи ҳамма ишларинг тўғри бўлғай. Агар дўстингнинг кўнгли ҳеч қандай сабабсиз сендан қо- лса, яна қайтадан унинг кўнглини овлашга ҳаракат қилгил, таъма- ни, кин адоватли дўстандан бўлгилки, унинг дўстлиги ҳақиқий эмасдир, балки таъма учундир. Ҳасадли кишиларга асло дўст бўлмагил, кин адоват- ли, ҳасадли киши дўстликка лойиқ эмасдир. Чунки хосиднинг ҳасади асло кетмайди ва ҳами- ша сендан норози ва гинали бўлади.

Байт:
Яхши дўстинг сенга
 ёмон истаса,
Ундан юз ўғир ё
 бардошга сўзла.
У билан олишма, сўкма,
 тортишма,
Шунда ҳам ярашиш
 йўлини кўзла.

Яқинда Малайзияда «Малайзия ранглари — 2003» фестивали бўлиб ўтди. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари вакиллари қаторида ушбу анжуманда ўзбекистонлик туризм соҳаси мутахассис- лари, ОАВ ходимлари ҳам иштирок этишиб, бой таассуротлар билан қайтишди. Жамоатчи муҳби- римиз фестивал иштирокчиларидан бири — Ўзбекистон радиоси «Ахборот» бош муҳаррири- ятининг гуруҳ раҳбари Салоҳиддин Ҳақназаров билан суҳбатда бўлди.

— **Суҳбатимиз авва- лида газетхонларимиз- ни мазкур анжуманинг мазмун-моҳияти билан таништириб ўтсангиз.**

— Ўзининг бетакрор мўъжизавий табиати, иқлим шароитига мос Ма- лайзияда туризм соҳаси- га бағишланган анжуман асосан 2000 йилдан буён ўтказилиб келинади. Бу йилги фестивалда кўплаб давлатларнинг 300 дан ортиқ вакиллари қат- нашди. Улар орасида МДХ давлатлари ичида фақат Ўзбекистондан биринчи мартаба вакиллар қатна- шишга муяссар бўлишди. Анжумани ўтказишдан мақсад эса Малайзия туризм соҳаси ютуқларини бошқа мамлакатлар сай- ёҳлик агентликларига тақ- дим этиш эди.

Илк бор иштирок этган ўзбекистонлик соҳа ходим- лари учун бу анжуман кат- та таассуротларга бой бўлди.

— **Шу ўринда Малай- зиянинг туризм соҳаси- даги ялпи даромади, қолаверса, ушбу мам- лақат иқтисодийти ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?**

— Малайзия жуда узоқ тарихга эга мамлакат. Қадимда, ҳали цивилиза- циюн тараққиёт этиб бор- маган бир даврда бу ерда одамларнинг, оддий хат саводини чиқаришнинг ҳам имконияти йўқ эди. 1957 йилда мамлакатда мустақиллик эълон қилин- ган.

Кейин эса бу мамлакат- да тарихий эвриликлар жараёни рўй берди. Би-

роқ малайзияликлар ўз миллий қадрияти, урф- одатларини сақлаб қолишган. Бугунги Ма-

имкониятларидан унумли фойдалана олган кишилар бўлиб кўринди, менга. Ав- вало, табиий иқлим шаро- ити ажойиб, кўп жиҳатдан келган меҳмонларни ўзи- га ром этади. Жуда қадим тарихга эга бўлган мўъжи- залар, дарёлар, 150 мил- лион йиллик дашт-яланг- ликлар, сон-саноксиз ўсимлик ва ҳайвонот дунё- си яхши сақланиб деяр- ли ўз ҳолича турибди. Жозибали архитектура

салликларнинг пайдо бўлиши жаҳон туризми, жумладан Малайзия сайёҳлигининг умумий ривожланишида салбий таъсири сезиладими?

— Биз Малайзиянинг Пенанг давлат сайёҳлик қўмитасига ташриф бу- юрдик. У ерда аҳолининг 10 фоизи туризм билан банд. Бир йилда уч ярим миллион турист келиб ке- тади. Кейинги вақтда ом- мавий ахборот воситала- рида Малайзияда ғайри- оддий зотилжам касалли- ги тарқалган, деган миш- мишлар пайдо бўлди. Шу боисдан туристларнинг оқими бир оз камайган. Аммо бу касалликка қар- ши чора-тадбирлар ўз вақтида кўрилгани боис, у Малайзияга ҳеч қандай ҳавф солмапти.

— **Ушбу анжуманинг ўзбекистонлик соҳа хо- димлари — журналист- лар учун аҳамияти қан- дай?**

— Шахсан ўзим бирин- чи мартаба иштирок эт- ганлигим сабабли, катта таассуротлар билан қайт- дим. Бир ярим ойга яқин вақт мобайнида тинглов- чиларимизни сафар нати- жаларидан хабардор қилиб турдик. Энг қув- норлиси Малайзияда Ўзбекистон ва ўзбекистон- ликларга нисбатан эъти- борнинг, хурматнинг кат- талигидир. Ислол олами- да катта мавқега эга буюқ алломаларимиз Имом Абухорий, Аҳмад Яссавий, Соҳибқирон Амир Темур сиймолари акс этган экс- понатларни ҳаяжонланиб кўздан кечирдилар. Юрт- дошларимиз ҳам келгуси- да сайёҳликни ривожлан- тириш билан боғлиқ бир қатор режалар билан қай- тишди. Тошкентдаги «Ал- Аффар» сайёҳлик агентли- ги раҳбари Наргиза Пўлатова эса махсус сер- тификат соҳиби бўлди.

Ўлжабой ҚАРШИЕВ
суҳбатлашди.

Мўъжизалар оламига саёҳат



лайзия иқтисодиётида электроника ускуналари- ни ишлаб чиқариш ва со- тиш биринчи ўринда тура- ди. Илгор электроника коммуниқация тармоғига айни вақтда бутун дунёда эҳтиёж катталги сабаб- ли бу соҳа катта даромад келтиради. Иккинчи катта таромад биргина туризм турифалидир. Ҳар йили Малайзияга тўрт милли- онга яқин сайёҳ келиб ке- тади.

— **Мана сиз ҳам би- ринчи марта Малайзия- да бўлдингиз. Таассуро- тингизни энг кўп бойит- ган жиҳатлар нималар- ди иборат бўлди?**

— Малайзияликлар ўз

намуналари сизда бутун- лай бошқа дунёга кириб қолгандай таассурот уйғотади. Малайзия 13 та йирик султонлик, улар ти- лида «эвлоят», яъни штат- дан иборат. Яна бир жи- ҳати замонавий архитекту- ра намуналарининг гўзаллигида. Уларни ин- соният ақлий салоҳияти- нинг чинакам маҳсули дейиш мумкин. Малайзия- га ташриф буюрган сайёҳ албатта 452 метрлик 84 қаватли «Патронак» мино- расини кўриб қайтади.

— **Кейинги вақтда бу- тун дунёда пайдо бўлган терроризм ҳавфи, иқти- содий қийинчиликлар, қолаверса турли хил ка-**

Фран

Экотуризмга кенг йўл

Ўзбекистонда халқро туризмни йўлга қўйиш- нинг кенг имкониятлари мавжуд. Ноёб ва йўқо- либ бораётган ҳайвонлар билан таништириш мақсадида экологик туризмни авж олдириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Гап шундаки, Ўзбекистоннинг шимолий-шарқий тоғли худудларида умуртқали ҳайвонлар хилма-хиллигини ўрганиш жараёнида кўпгина зоологик маълумотлар тўпланди. Бу эса мамлакатимиз табиий биологик ресурсларидан унумли фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш- ни давр талаби асосида ташкил этиш имконини беради. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Зоология институ- ти олимларининг бу борада олиб борган кузатишлари самарали бўлди. Илмий муассаса томонидан қатор тавсия- лар ҳам тайёрланди. Уларда Республикада экотуризм- ни ривожлантириш масалалари ўз ифодасини топи. Ху- сусан Фарбий Тянь-Шан тоғининг Ўзбекистон қисмидан экотуризм мақсадларида фойдаланиш истиқболлари очил- моқда. Шунингдек, умуртқали ҳайвонларни кўргазмалари ва жонли «экспонатлар» сифатида тавсия этиш имкони- ятлари бор.

Бундан ташқари ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвон тур- ларини сақлаб қолиш мақсадида микроқуриқхоналарни ташкил этиш ҳам тавсия қилинди.

Қишлоқ хўжалиги фани ютуқларини амалиётга тат- биқ этиш истиқболларини белгилашда Тошкент ир- ригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш му- хандислари институти олимлари ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Олий ўқув юрти фундаментал тадқиқотлар дастуридан ўрин олган қатор илмий ишлар ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

Долзарб мавзудаги тадқиқотлар

«Ўзбекистон чўл яйловларидан фойдаланишни янада ях- шилаш», «Ўзбекистонда озуқабоп ўтларни қуритиш муам- молари» деб номланган илмий кузатишлар ҳам кутилган на- тижаларни бермоқда. Ушбу йўналишлар бўйича тайёрланган илмий тавсиялар жойларда яхши қўтиб олинди.

«Ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш», «Сугориладиган ер- лардан унумли фойдаланишда полимерли материалларнинг аҳамияти» каби мавзудаги изланишлар бўйича тайёрланган маърузалар Тошкентда ўтказилган халқро илмий-амалий конференцияда яхши баҳо олд. «Ўзбекистон қишлоқ хўжа- лигида таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини чу- қурлаштириш» деган мавзуга бағишланган бу анжуман то- монидан босмага тайёрланган тушламда институт олимла- рининг бу ишлари ҳам ёритилди.

Ақбар АЛИЕВ

Спорт

Ўсмирлар куч синашди

Мақтаб ўқувчиларининг бўш вақтларини сермазмун ва мароқли ўтказишларини таъминлаш мақсадида ёзги таътил кунларида ёшлар ўртасида турли хил спорт мусобақалари уюштирилмоқда. Кунчи кеча «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Чилонзор, Ҳамза, Яққасарой туманлари бўлимлари ҳамкорликларида туманлар маҳаллаларида истикомат қилувчи ўсмирлар ва болалар иштирокида спорт мусобақалари уюштирилди. Спортнинг футбол, шахмат, шашка, арқон тортиш, волейбол турлари бўйича кечган мурасисиз баҳслар томошабинлар эътиборини тортиди. Мусобақалар якунида эса голиб ва совриндорларга мутасаддиларнинг эсдалик совгалари топширилди.

Дастлабки натижалар

«Маҳалла» хайрия жамғармаси, Республика халқ таълими вазирлиги, Давлат жиомий тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорликларида ташкиллаштирилган мақтаб ўқувчилари ўртасидаги «Футболмиз келажаги» турнирининг дастлабки беллашувларидаги дастлабки натижаларни таъминлаш мақсадида ёзги таътил кунларида турли хил спорт тадбирлари уюштирилаётгани қувонарли ҳолдир. Жумладан, Сергели туманидаги «Қипчоқ» маҳалла ўйингоҳида маҳаллалар жамоалари ўртасида уюштирилган «Футболмиз келажаги» турнири шахмат босқичининг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтди. Юнусобод тумани пешкадами «Бободоҳдон» жамоаси Ҳамза туманидаги Охунбобоев жамоаси билан кечган учрашувида рақибларидан кўра маҳоратлироқ ўйин намойиш этиб 4:2 ҳисобида галаба қозонди. Мирзо Улғубек туманининг «Оққўрғон» ҳамда Миробод туманининг «Файзобод» жамоалари баҳсида эса «Оққўрғон» футболчиларига омад кулиб боқди. Рақибларини маглуб этган Мирзо Улғубек тумани ёш футболчилари муҳим очкога эга бўлишди.

Обод маҳалла йилига бағишланди

Келажагимиз ворислари — болажонлар бўш вақтларининг сермазмун ўтишини таъминлаш мақсадида ёзги таътил кунларида турли хил спорт тадбирлари уюштирилаётгани қувонарли ҳолдир. Жумладан, Сергели туманидаги «Қипчоқ» маҳалла ўйингоҳида маҳаллалар жамоалари ўртасида уюштирилган «Футболмиз келажаги» турнири Обод маҳалла йилига бағишланди. Унда иштирок этган 12-15 ёшли болалар ва ўсмирлар жамоалари голиблик учун астойдил кураш олиб боришди. «Маҳалла» жамғармасининг Сергели туман бўлими, туман халқ таълими бўлими, туман спорти мутасаддилари ҳомийлигида уюштирилган «Футболмиз келажаги»нинг туман босқичида бошқалардан кўра маҳорат билан тўп сурган «Ўзгариш» ҳамда Амир Темура жамоалари голибликни қўлга киритишди. Голиблар ушбу турнирнинг шахмат босқичида катнашиш имкониятига эга бўлишди.

Акбар йўлдошев

Бир тасаввур қилиб кўринг. Хизматингизни беминнат бажариб, узоғингизни яқин ва оғирингизни енгил қилиб, хожатингизни чиқариб келаётган машинангиздан қутилмаганда ажралиб қолдингиз. Айрим номерд кимсалар ўз гаразли режалари орқали уни ўғирлаб кетсалар-да, ундан кўнгиллари тусангаддин фойдалансалар. Учар тулпорингиз оқибатда ушбу ғаламислар қўлида қисмларга ажратилиб тушланса, қисмлари эса, оддийгина темир бўлақларига айлиниб қолса. Ахир «мол аччиги-жон аччиги» дейдилар.

Яқинда шундай воқеа рўй берди. Шайхонтоҳур тумани, Марказ-26 да жойлашган 39-ўй қаршисида қолдирилган, ушбу ўйда истикомат қилувчи фуқаро Жаҳонгир Абдуллаевга тегишли «ВА3-2105» русумли автоулов ҳам номалум шахслар томонидан ўғирлаб кетилди.

Тонг сахар уйғонган Жаҳонгир олдатадидек, шошганича ишхонаси томон олтанлар. Кўчага чиқиб қараса, не қўз билан кўрсинки, машинаси жойида йўқ. Нима қилиш кераклигига ҳам ақли етмай, яна ичкари томонга югурди. Қутилмаган ноҳус хабарни эшитиб, пешонасидан совуқ тер чиқиб кетган унинг отаси бўлса, ух тортганича, «дарров милицияга хабар бериш зарур», деди ва ўзи «02» га сим қоқиб, воқеа тўғрисида қисқача маълумот етказди. Орадан кўп фурсат ўтмаёқ, шу ерга туман ички ишлар бошқармасининг тезкор-тергов гуруҳи вакиллари етиб келишди. Ходимлар зудлик билан содир этилган мазкур воқеани ўрганишга киришилди. Бу вақт оралиғида, бугун шахар милицияси оёққа турганди.

Эл осойишталиги ва тинчлигини сақлашдек масъулиятли ҳамда шарафли касб эгалари бўлган ички ишлар ходимлари ҳар қандай вазиятда ўз бурчларини аяло даражада бажаришга интиладилар. Жамиятга учраб турадиган ҳар қандай жиноий ҳаракатларга қарши кескин кураш олиб борадилар.

Шайхонтоҳур тумани ИИБ жиноят-қидирув бўлими бошлиги, милиция майори Н. Қорабоевнинг кўрсатмалари асосида ишлаб чиқилган тезкор тадбирлар ижобий натижа кўрсатиб, ушбу жиноий ҳолатнинг илдизлари кўзга ташланиб қолди. Тезкор ходимлар, ЖКБ бошлиги ўринбосари, милиция майори А. Мардиев, ЖК ва УЖҚБ тезкор вакили, милиция капитани А. Ниёзов, туман ИИБ профилактика инспектори, милиция лейтенанти О. Йўлдошев ва бошқаларнинг ҳамкорлигидаги савий ҳаракатлари натижасида, мазкур жиноятни содир этган шахслар аниқланди. Улардан бири, муқаддам судланган бўлса-да, аммо озодликка чиққан ҳам ўзига ҳаётда тўғри йўлни танлаш ўрнига, ақсинча яна қабил ишларга қўл урган — 23 ёшли Ю. Анвар исмли йигит экан.

Олиб борилган дастлабки тергов жараёнидаёқ, Шайхонтоҳур туманида яшовчи

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Бировнинг моли ўзгага буюрмайди

Жамиятимизда турли қинғир йўллар орқали мўмай даромад орттиришни кўзлаган нопок кимсалар ҳам афсуски учраб туради. Ушбу тоифадаги шахслар мақсадларига эришиш илжинида ҳеч нарсадан тап тортмай, хаёлларига келган ҳар қандай қинғирликни ижро этмоқликка астойдил бел боғлайдилар. Сўнгра эса, бир амаллаб қўлларига киритишган ўлжани имкон қадар тезроқ тумдон қилиш пайида бўладилар.

Ушбу фуқаронинг бугунги кунга қадар яна бир неча бор худди шундай жиноятларни содир этганини ҳам фош этилди. Жумладан, жиний шериги А. Расул билан биргаликда, ўтган йилнинг октябр ойида Чилонзор—14 мавзеида истикомат қилувчи фуқаро Жаҳонгир Ортиқбоевга тегишли яшил рангли «ВА3-2105» русумли автомашинани ҳам олиб қочиб кетганлиги маълум бўлди.

Улар 2002 йилнинг 3 ноябрь кунчи ўзaro тил бириктириб, Чилонзор туманидаги Спорт моллари дўкони олдига қолдирилган «ВА3-21063» русумли автомашинани ҳам «тумдон» қилишга муваффақ бўлганлар.

Шу зайл бирин-кетин «ов»лари бароридан келаётганидан руҳланган ўриларга насиб этаётган ўлжалари гўёки ҳамон жуда камдек кўринаётганларди. Аммо борган сари бу борада анчагина тажрибалари ортаётган жиноятчилар бу гал ўзлари яшайдиган туман худудида омадларини яна синаб кўришга бел боғлайдилар. Урдадаги дўкон олдига турган «ВА3-2107» русумли машина кўзларига яшиш кўриниб кетганлиги боис, уни ҳам бир амаллаб қўлга киритдилар.

Энди А. Расулнинг ўзи ҳам устозидан ўрганган «хунар»ини мустақил тарзда бажариб кўришга қатъий аҳд қилди. У Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчасида омадини синовдан ўтказиб, «ВА3-21061» русумли машинани олиб қочиб кетди ва ҳеч кимга «хидлантмай» қўздан гоийб қилишга эришди.

Хўш, бу «шовво»лар ўғирланган машиналардан аслида нима мақсадларда фойдаланганлар?.. Албатта, шундай савол тўғилиши табиий.

Мазкур жиноий иш юзасидан Шайхонтоҳур туман ИИББ бошлиқ ўринбосари, милиция капитани Улғубек Турғуновнинг бевосита раҳбарлиги остида тергов ҳаракатларини олиб борган, тергов бўлими катта терговчиси, милиция майори Элмурод Ерматов ва терговчи, милиция лейтенанти Шокирхон Абдумаликовларнинг тинимсиз изланиш ва суриштирувлари натижасида аниқланишича, Ю.

Анвар билан А. Расуллар қўлга киритилган ҳар бир машинани дарҳол олдиндан мўлжал қилиб олинган манзилга томон элтишган. У ерда уларни ўз ҳамтовоқлари, яъни ҳар қандай техникани кўз оғиб юмгунча бўла-бўла қўлга ахратиб ташлашни қўйиллатадиган «қўли гул усталар» иттиқлик билан кўриб турардилар. Жиноятчиларнинг бу каби «устахона»лари шахримизнинг Акмал Иқромов, Чилонзор туманларида ва яна бошқа жойларда мавжуд бўлган. Аниқланишича, Руслан, Ботир ҳамда Комил исмли йигитлар ўриларнинг ўлжаларини тезлик билан кесиб, улар орасида бозори чаққон эҳтиёт қисмларини беэтиён ҳолда авайлабгина ахратиб беришган. Жиноятчиларнинг қўлларининг қувончларини ҳам ташвиш учун қулай бўлиши учун ўртасидан кесиб, қўздан ва хавф-хатардан нарироқ бўлсин дея, хуфёна жойларга олиб бориб, улоқтириб юборганлар. Ҳатто, уларнинг иккита машинанинг қувончларини ўртасидан кесиб, Жалолобод кўчаси орқали оқиб ўтадиган каналга ташлаб юборганлиги ҳам аниқланди.

Шуниси эътиборлики, ушбу қинғир йўллар билан келтирилган, ўзгаларга тегишли машиналарнинг эҳтиёт қисмларининг харидорлари ҳар доимо тағйир турган. Тергов ҳаракатлари давомида ўз оёқлари билан келган ва энг яхши томони, бирмунча арзонгина эҳтиёт қисмларини сотиб олишга иштиёқманд қарорларнинг ҳам кимлиги аниқланди.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда пойтхтимизнинг турли масканларидан асосан, «Жигули» русумидаги автомашиналарни ўғирлаб кетиб, уларни эҳтиёт қисмларга ажратиб ва келишилган нархларда пуллаб келган ушбу жиний уюшманин жами ўн бир нафар аъзолари қўлга олинган бўлиб, уларнинг жамийи қинғир фаолиятларига чек қўйилди. «Қўлмиш-қидириш» деганларидек, ушбу шахслар суд этган ноқўя ҳаракатлари учун қонун олдига тегишли жазага муқтало бўлишлари тайин.

Самариддин ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
Матбуот маркази ноэри.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази
2003 йил 21,23,30 июль, 4,6,11,13,18,20,25,27 август кунлари соат 11-00да
Юнусобод тумани «Иттифоқ» маҳалласи гузариди кимошди савдолари ўтказилади.

КИМОШДИ САВДОЛАРИДА

Юнусобод универсал бозорининг Аҳмад Доғи филиали худудида турғун савдо дўконлари қуриш ҳуқуқи сотилади:

Савдо дўконлари ўлчами	Сони	Майдони, кв.м.	Бошланғич нархи, минг сўм
Дўкон (3мх3м)	132	9	2000,0
Дўкон (3мх3,7м)	10	11,1	2470,0

Савдода қатнашиш учун харидорлар қуриш ҳуқуқи бошланғич нархининг 2,5 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари лозим.

Кимошди савдоларида қатнашиш тартиби ва шартлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.
Телефонлар: 133-20-74, 132-25-51.

Кимошди савдолари қуйидаги манзилда ўтказилади:
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 18-мавзе, Теша Зоҳидов кўчаси, «Иттифоқ» маҳалласи гузари, 9,60,82-автобуслар ва 25,26-троллейбусларнинг 12-поликлиника бекати.

Имкониятни бой берманг!



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
4204 нускада босилади. Кўпчи бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида
10-рақами билан рўйхатга олинган

Наширн етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент поштамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.